«Хизмат кўрсатамиз ва таъмирлаймиз»

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси жаҳоннинг турли мамлакатларига парвозлардан ташқари ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини ҳам йўлга қўйди. Бу соҳада катта тажриба орттирилган. 1998 йилда МАКнинг 243-заводи ва авиация техника мажмуаси негизида ўзимизнинг техник хизмат кўрсатиш маркази ташкил этилди. «А-310» самолётларига «С-check» ҳажмида таъмирлаш ишларини амалга оширишга киришилди. Бунинг учун ўзбек мутахассислари АҚШ ва Европада тегишли тайёргарликдан ўтдилар. Авиакомпания сазовор бўлган Европанинг JAR-145 сертификати ғарб ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш бўйича жаҳон бозорига чиқиш имкониятини очди. Шуни айтиш керакки, бундай хизматга МДҲ ва Осиё минтақаси авиакомпанияларида эҳтиёж катта. Бундан ярим йил олдин илк бор «А-310» самолётига техник хизмат кўрсатилганди. Куни кеча авиа таъмирлаш заводида «RJ-85» самолёти техник хизмат кўрсатиш ишларидан чиқарилди. Бу ўзбек мутахассислари салоҳиятидан яна бир намунадир.

Алишер РЎЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Журналистлар байрами

Пойтахтимиздаги Улуғбек номидаги боғда 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари куни муносабати билан байрам тантаналари бўлиб ўтди. Байрам таровати билан бурканган оромгоҳга республикамизнинг таниқли журналистлари, радио ва телевидение ходимлари, матбаачилар тўпланди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига байрам табригини Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Ахборот тарғибот-таҳлил марказининг раҳбари С. Ҳакимов ўқиб эшиттирди.

Тантаналарда сўзга чиққан Давлат матбуот қўмитаси раиси Р. Шоғуломов, Ўзтелерадиокомпания раиси А. Кўчимов ва бошқалар Президентимизнинг самимий қутлови учун миннатдорлик билдириб, йиғилганларни байрам билан қизғин табрикладилар. Журналистлар ислоҳот ва янгиланиш йўлидан боришнинг масъулиятини ҳис этадиган, бу борадаги муаммоларни ечишга ҳисса қўшадиган маърифат тарқатувчилар бўлишлари лозимлигини таъкидладилар.

Тадбир давомида Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси томонидан ўтказилган «Йилнинг энг яхши журналисти» танлови ғолибларига фахрий ёрлиқлар ва эсдалик совғалар топширилди.

Байрам тантаналарида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н. Жўраев, Президентнинг Матбуот котиби А. Ғуломов иштирок этди.

(ЎзА)

Истеъдод эгаси

Яқинда Ўзбекистон Бадиий академияси марказий кўргазмалар залида яна бир анжуман бўлиб ўтди. Истеъдодли рассом, Давлат мукофоти совриндори Марат Содиқовнинг шахсий кўргазмаси очилди. Кўргазмани Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Турсунали Қўзиев кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг халқ рассомлари Баҳодир Жалолов, Медад Кагаров ва бошқа қатнашчилар сўзга чиқиб, сув-бўёқ мактабининг устаси деб эътироф этилаётган Марат Содиқовни қизғин қутладилар. Рассом кўпгина асарларида Бухоронинг тонгларини, ғузалликка бурканган кўча, қишлоқларини «Оқ Бухоро», «Бухородаги кўча», «Кечки куз», «Дарбоз» каби асарларида ўзига хос чизгилар билан ифода этади.

— Марат Содиқов Бухоронинг минг йиллик ўлмас маданиятини ҳис қилади. Унинг руҳи билан яшайди,— дейди бухоролик ҳайкалтарош Қурбон Норхўрозов

Мухлислар сеҳрли мўйқалам соҳиби Марат Содиқовга ижодий парвозлар тилаб қолдилар.

Аслиддин АБДУЛАЗИЗ ўғли

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

Бошоқли дон экинларини навлар бўйича жойлаштиришни такомиллаштириш, уларнинг селекцияси ва уруғчилигини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Республика хўжаликларида бошоқли дон экинларининг юқори ҳосилли, касалликларга ва зараркунандаларга чидамли истиқболли навларини оқилона жойлаштиришни, минтақаларнинг тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда бошоқли дон экинлари навларини янгилаш ва уларни навлар бўйича жойлаштиришнинг ҳар йилги дастурлари ўз вақтида ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Бошоқли дон экинлари навларини янгилаш ва уларни навларга кўра жойлаштириш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича доимий ишловчи республика комиссияси ташкил этилсин.

2. Қуйидагилар комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

бошоқли дон экинлари уруғчилигини яхшилашга доир таклифларни ўрганиш ва ишлаб чиқиш, уларни республика минтақаларининг тупроқ-иқлим шароитларига мувофиқ навлар бўйича районлаштириш ва жойлаштириш асосланганлигини таҳлил қилиш;

ҳар бир минтақада кўпи билан 3-4 хил юқори ҳосилли, ётиб қолмайдиган, касалликлар ва зараркунандаларга чидамли навлар экилишини назарда тутган ҳолда бошоқли дон экинлари навларини республиканинг турли иқлимли ҳудудларида етиштириш учун танлаш;

республиканинг турли минтақаларига татбиқан янги серҳосил ва касалликларга чидамли навларни жадал яратиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш мақсадида бошоқли дон экинларига доир селекция-уруғчилик ишларини олиб боришнинг замонавий технологиялари ва йўналишларини излаб топиш ҳамда жорий этиш;

республиканинг жанубий минтақалари, айниқса чўл ва яримчўл минтақалари учун навли уруғлар етиштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

илмий-тадқиқот институтлари, тажриба станциялари, идоравий бўйсунишидан қатъи назар, нав синаш участкаларининг фаолиятини таҳлил қилиш, селекционерлар ва уруғшуносларни рағбатлантириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

элита, биринчи ва кейинги репродукцияли уруғликка бўлган эҳтиёжни, шу жумладан лалми зона учун, уларни дон маҳсулотлари корхоналари, хўжаликлар томонидан ишлаб чиқариш ва тайёрлаш ҳажмини аниқлаш;

навларнинг ҳосилдорлигини ва бошқа сифат кўрсаткичларини кўрсатган ҳолда бошоқли дон экинларини навлар бўйича жойлаштириш ва навлар синови натижалари бўйича ахборот-таҳлил материалларини вақти-вақти билан нашр этиш ва жойларга етказиш.

3. Доимий ишловчи республика комиссияси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда:

уруғчилик хўжаликлари фаолияти самарадорлигини ўрганишлар, зарурият бўлганда уларнинг сони ва жойлашишини дон экувчи хўжаликларнинг юқори сифатли уруғликларга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондиришдан келиб чиқиб қайта кўриб чиқсин;

бошоқли экинлар уруғлиги тайёрлаб қўйилаётган дон маҳсулотлари корхоналари ишини таҳлил қилсин, уларни уруғлик материал тайёрлаш, уларга ишлов бериш, уларни тозалаш, навларга ажратиш, дорилаш ва сақлашга ихтисослаштириш масалаларини кўриб чиқсин, бунда «Ўздонмаҳсулот» корпорацияси тизимида республиканинг жанубий минтақаларининг табиий-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда улар учун бошоқли дон экинлари уруғлиги тайёрлаш корхонаси ташкил этишни назарда тутсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази, Давлат кимё комиссияси бошоқли дон экинлари ҳосилини касалликлар ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш юзасидан тавсияларни бир ой муддатда ишлаб чиқсинлар, уларда уруғликни тайёрлаб қўйиш, уларга ишлов бериш ва далаларни тайёрлашда, шунингдек бошоқли дон экинлари ўсиши даврида экинларни касалликлар, зараркунандалар ва бегона ўтлардан агротехник ва агрокимёвий ҳимоя қилиш чора-тадбирларини белгиласинлар ҳамда доимий ишловчи республика комиссиясига тасдиқлаш учун киритсинлар.

5. Доимий ишловчи республика комиссияси ҳар йили бошоқли дон экинлари ҳосили йиғиштириб олингандан кейин 1 августгача республиканинг барча туманлари ва вилоятлари шароитида районлаштириладиган бошоқли дон экинларининг янги навлари синови натижаларини кенг муҳокама қилсин. Бошоқли дон экинлари навларини синаш якунлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг махсус йиллик «Ахборотнома» журналида эълон қилинсин.

6. Белгилансинки, Доимий ишловчи республика комиссияси ҳар йили келгуси йил ҳосили учун бошоқли дон экинларини навлар бўйича жойлаштириш масалалари юзасидан Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқади.

Комиссиянинг ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича топшириқлари республиканинг барча вазирликлари ва идоралари томонидан бажарилиши мажбурийдир.

7. Республика комиссияси 2000 йил ҳосили учун бошоқли дон экинларини навлар бўйича жойлаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини бир ой муддатда киритсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Доимий ишловчи комиссия раиси Б. Олимжонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 28 июнь

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 29 июнь, сешанба • № 75 (24.470).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартибини йўлга қўйиш ва соддалаштириш мақсадида:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлари икки ҳафта муддатда молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва (ёки) қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш бўйича доимий ишловчи махсус (республика, вилоят, шаҳар ва туман) комиссияларини тузсинлар, уларнинг таркибига ҳокимиятларнинг, молия, солиқ ва юридик органларнинг, банк муассасаларининг, статистика, ички ишлар органларининг, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг вакиллари киритилсин.

Тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоят, шаҳар, туман ҳокимининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари махсус комиссиянинг раиси этиб белгилансин.

2. Тузилаётган ҳудудий махсус комиссиялар зиммасига қуйидаги вазифалар юклансин:

молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва (ёки) қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналар фаолиятини бундан буён давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани ҳал қилиш;

молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва (ёки) қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарнинг муассислари (қатнашчилари) ёки таъсис ҳужжатларида вакил қилинган органлар уларни тугатишга рози бўлмаган, шунингдек мазкур шахслар ва органларнинг турган жойини аниқлаш ҳамда уларни тугатиш жараёнига жалб этишни таъминлаш мумкин бўлмаган ҳолларда хўжалик судларининг қарорлари бўйича ана шундай корхоналарни тугатиш жараёнини амалга ошириш.

3. Белгилаб қўйилсинки, савдо ҳамда савдо-воситачи корхоналар уч ой мобайнида, бошқа хўжалик юритувчи субъектлар — юридик шахслар олти ой мобайнида банк ҳисобварақалари бўйича пул операцияларини ўтказиш билан молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаган тақдирда, тижорат банклари: хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобварақаларини ёпадилар;

хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисобварақалари ёпилган санадан бошлаб уч кун муддатда у ҳисобга қўйилган жойдаги солиқ хизмати органига мазкур субъект фаолиятини бундан буён давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани ҳал қилиш;

молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва (ёки) қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тўғрисидаги ишлар бўйича аризачи ва жавобгар суд чиқимлари ҳамда давлат божи тўлашдан озод қилинсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларига қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

«Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарга бериладиган қўшимча рағбат ва имтиёзлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 30 ноябрдаги 1652-сон Фармонининг 6-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Белгилаб қўйилсинки, хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарнинг устав жамғармаларини таъсис ҳужжатларида кўзда тутилган миқдорларда шакллантиришнинг охириги муддати ҳукуматнинг айрим қарорларида бошқа нарса кўзда тутилмаган бўлса, корхона давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб бир йилдан ошмаслиги керак»;

«Янгидан ташкил этилаётган хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти устидан банк ва солиқ назоратини кучайтириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 20 мартдаги 2276-сонли Фармонининг 2-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

8. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда мазкур Фармонни бажариш юзасидан қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 28 июнь

Мустақиллик манзаралари

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

Бу дунё ишлари

Хайрлашув учрашуви

Кеча Ригада Латвия президенти Гунтис Улманис ташаббуси билан бешта давлат – Латвия, Эстония, Литва, Украина ва Польша давлат раҳбарлари учрашдилар. Бу учрашувдан мақсад президентлар Валдас Адамкус, Леннарт Мери, Леонид Кучма ва Александр Квасьневскийнинг ваколат муддати тугаган ва президентлик лавозимини топшираётган Улманис билан хайрлашиш эди. Шу билан бирга, учрашув ҳақидаги расмий хабарда айтилишича, Рига саройида бешта давлат раҳбарлари ўз мамлакатларини қизиқтирган воқеа ва ҳодисалар ҳақида музокаралар олиб боришди. Халқаро ҳаёт ва унинг ривожланиши мароми ҳақида фикр билдирдилар.

Инсонпарварлик ёрдами зарур

Айни пайтда Югославия янги инсонпарварлик ёрдамига муҳтож бўлиб турибди. Зеро, НАТОнинг бомба зарбалари туфайли давлатнинг иқтисодий тузилмасига қаттиқ зарар етган. Шу боис ҳам, ушбу мамлакатга тезкор халқаро ёрдам зарур. Бу ҳақда БМТ Бош котиби Кофи Аннан Би-Би-Си телевидениеси орқали сўзлаган нутқида айтди. «Ҳамиша айтар эдикки, биз Югославия халқига қарши курашмаяпмиз, шу боис мамлакатга инсонпарварлик ёрдами кўрсатишимиз зарур. Биринчи навбатда энергетика ва сув таъминотини яхшилашга кўмаклашишимиз керак», деди у. Кофи Аннан Буюк Британия пойтахтида бош вазир Тони Блэр билан учрашиб Ғарбнинг Югославияга ёрдами миқёсини кенгайтириш зарурлигини муҳокама қилди. Бироқ, бунда Белград оддий интизом қоидаларига риоя қилиши зарур. Агар Слободан Милошевич ҳокимият тепасидан олиб ташланмас экан, Югославиядаги маиший хизмат объектлари ва касалхоналарни тиклаб фойдаланишга топшириш ишлари чўзилиб бораверади. Вашингтон ҳам худди шундай фикрда. БМТ Бош котиби фикрича, Югославия тузилмасини таъмирлаш ишларидаги муҳим вазифалар тезроқ бажарилмас экан, Болқондаги қочоқлар бошига бундан ҳам оғирроқ кунлар тушиши мумкин.

Бу дунё ишлари

Тараққиёт мезонлари

XXI асрнинг ойдин йўллари

Бугун миллат янги аср бўсағасида турибди. Бутун халқ ўз Йўлбошчиси раҳбарлигида XXI аср томон дадил одимламоқда.

Мамлакат Президенти биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясидаги маърузасида, XXI асрнинг дастлабки йилларида «мамлакатимизнинг ривожланиш стратегияси, ислоҳотларни чуқурлаштириш ва жамиятни янгилаш борасидаги фаолиятимизнинг мазмун-моҳияти нималардан иборат бўлиши керак?» деган улкан саволни қўйдилар.

Ҳақиқатан ҳам, бугун ҳар бир фуқаро янги аср бўсағасида турганлигини юракдан ҳис этмоғи зарур. Менинг назаримда ҳар бир асрнинг бошланиши ва сўнггиси миллат тақдири учун ўта муҳимдир.

Президентимиз янги асрга ўтишнинг асосий устувор йўналишларини тарихий маърузаларида батафсил кўрсатиб бердилар. Ушбу йўналишлар ўзининг мазмун-моҳияти билан мустақил республикамизда демократия, инсон ҳуқуқлари, эркинлик, маънавиятимизни юксалтириш, малакали етук кадрлар масаласи, аҳолини янада кучли ижтимоий ҳимоя қилиш, жамиятдаги барқарорлик ва тинчликни сақлаш каби тамойилларни қамраб олган.

Тугаб бораётган XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги дунё харитасида жуда катта ўзгаришларга сабаб бўлди. Дунёнинг катта бир қисмини етмиш йиллик тараққиётдан, сиёсатдан, умуминсоний тамойиллардан ажратилган ҳолда ушлаб турган собиқ иттифоқ таназзулга юз тутди. «Улкан қамоқхона» эшиклари дунёга ланг очилди. Лекин бизга тарихдан яхши маълумки, умуминсоний тушунчаларнинг бирортаси четдан келтирилмайди. У асрлар давомида яратилган давлатчилигимиз, бой тарихимиз, умуминсоний қадриятларимиз замирида яратилади. Четдан келтирилган тушунчаларнинг зарарли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини қўшни давлатлар мисолида кўриб турибмиз. Бизга, жамиятимизга ўзга мафкураларнинг суқилиб киришига йўл қўйиб бўлмайди. Президентимиз ҳақли равишда таъкидлаганларидек, «Зеро биз жамиятимиз тараққиётини фақатгина иқтисодий, ижтимоий фаровонлик билангина эмас, халқимизнинг маънавий баркамоллиги, демократия ва инсонпарварлик тамойилларининг кишилар онгида нечоғлик чуқур илдиз отгани билан баҳолаймиз».

Биринчи устувор йўналишда таъкидланганидек, — «мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш» кўзда тутилади.

Менинг назаримда барча жабҳаларда эркинлик бўлиши мамлакатни янада юксалишга олиб келади. Эркинлик энг аввало ҳар бир шахсда, унинг онгида юз бермоғи керак. Эркинлик сўз айтиш истагини келтириб чиқаради. Фикрлаш жамиятда туб бурилиш ясайди. Биз энг аввало мана шу туйғуга эга бўлмоғимиз зарур.

Бугун янги аср бўсағасида замондошларимиз «дил эркинлиги», «қалб озодлиги» ҳақида сўз айтмоқдалар. Бу эса ўз-ўзидан истиқлол ватанида барча тизимларда эркинлаштириш юз бераётганидан далолат беради.

Иккинчи устувор йўналиш эса — «жамият маънавиятини янада юксалтиришдан иборат»дир. Бизнинг назаримизда XXI аср шубҳасиз маънавият асри бўлади. Истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ Президентимиз бутун эътиборни маънавиятга қаратдилар. Бой ўтмишимизни ўрганишга, миллий қадриятларимизни тиклашга сарфланган машаққатли йиллар янги аср бўсағасида ўз самарасини берди. Маънавиятли ёшлар республикамизнинг барча бўғинларига кириб кела бошлади. Президентимизнинг «Баркамол авлод орзуси» билан яшаётганларининг ўзи, ёшларга қанот бўлмоқда. Шунинг учун Президентимизнинг мана бу пурмаъно сўзлари ҳар биримизнинг улкан вазифамизга айланиши шарт. «Эркин фуқаро маънавиятини, озод шахсни шакллантириш масаласи олдимизда турган энг долзарб вазифадир».

Учинчи устувор йўналиш мамлакатимизда «кадрлар масаласи» эканлиги маърузада алоҳида қайд этилган. Ҳа, янги аср бўсағасида биз учун энг муҳим ишлардан бири бу кадрлардир. Президентимиз бу ҳақда шундай деганлар: «Муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажагимиз, мамлакатимизнинг келажаги ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ айтганда, қандай кадрлар тайёрлашимизга боғлиқ». Бизнинг назаримизда бунинг пойдевори аллақачон қўйилди. Олий Мажлиснинг IX сессиясида қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» фикримизнинг ёрқин далили бўла олади. Президентимиз кадрлар бўйича давлат дастурини босқичма-босқич амалга ошириш учун барчамиз масъул эканлигимизни алоҳида қайд этмоқдалар. XX асрнинг ҳақиқий мўъжизаси, «Баркамол авлод орзуси» номли асарнинг Президентимиз томонидан яратилиши, XXI асрга қандай кадрлар билан кириб боришимизнинг истиқболини белгилаб берди.

Тўртинчи устувор йўналиш - «халқ турмуш даражасининг изчил ва барқарор ўсиши, аҳолини янада кучли ижтимоий ҳимоя қилишни ифода этади». Одилона сиёсатимиз туфайли мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб, халқ фаравонлигига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бугун эса Президентимиз бу тамойиллар билан бир қаторда бизнинг эътиборимизни ижтимоий ҳимоялашга қаратмоқдалар. Бу эса XXI асрга интилаётган Ўзбекистон ва унинг халқини ижтимоий ҳимояланиши кафолатланганлигининг белгисидир.

Бешинчи устувор йўналиш бу — «жамиятдаги барқарорлик, тинчлик, миллатлар ва фуқароларо тотувликни, сарҳадларимиз дахлсизлигини, мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини таъминлашдан иборат»дир. Бизнинг назаримизда барча ишларимизнинг моҳиятини ҳам мана шу биргина сўз белгилайди. Тинчликнинг қадрини, эрталаб уйидан чиқиб кетганича қайтиб келиши гумон бўлганлардан, номус-ори топталганлардан, қирғин барот жанглар ичида кўзлари ҳаётга тўймай юмилаётганларнинг аянчли тақдиридан англаб етмоғимиз зарур. Тинчлик миллат келажаги учун энг муҳим омил эканлигини барчамиз юракдан ҳис этмоғимиз шарт. Бугун бизнинг тинчлигимизни кўролмайдиганлар кўп. Биз уларга мамлакатимиздаги барқарорлик, тинчлик, миллатлараро тотувлик билан жавоб беришимиз керак.

Бизнингча долзарб вазифаларимиздан яна бири мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини янада юксалтиришдан иборатдир. Бугун республикамизнинг ҳар бир фуқароси шуни англаб етмоғи керакки иқтисодда олиб борилаётган ислоҳотлар, янги асримиздан бошлаб ўз самарасини тўлиқ намоён эта бошлайди. Бир пайтлар мустабид тузумнинг парчаланиб кетишидан хавфсираганлар, бизни оғир иқтисодий аҳвол билан кўркитмоқчи бўлишган эди.

Бир пайтлар оддий велосипед чиқмаган мамлакатимиздан бугун машиналар, ҳаво кемалари чиқмоқда. Биз бунга истиқлолнинг илк йилларидаёқ эришдик. Бугун чет эл корхоналари, фирмалари ишончли ҳамкор сифатида бизнинг мамлакатимизга кириб келаётгани ҳам фикримизни қувватлайди.

XXI аср ойдин йўллари... У барчамизга, янги асрга интилаётганимизда ҳамроҳ бўлсин.

Фаррух ҲАМРОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ҳисобот-сайлов конференциялари

Фаолликни оширайлик

Куни кеча Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилоят ташкилотининг II конференцияси бўлиб ўтди.

Вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Сирожиддин Агзамовнинг ҳисобот маърузасида ўтган даврда қилинган ишлар, ютуқлар, камчилик ва нуқсонлар таҳлил этилди. У вилоятдаги давлат ва ҳокимият идораларига иқтисодий-ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга кўмаклашиш, фуқароларни ҳар бир меҳнат жамоаси олдида турган вазифаларни ҳал этишга сафарбар қилишда фаол қатнашиш вилоят партия ташкилотлари фаолиятида муҳим ўрин тутди ва келгусида ҳам асосий йўналиш бўлиб қолади, деб таъкидлади.

Вилоят партия ташкилотлари аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини муҳофазалаш соҳасида талай тажриба тўпладилар. Фикримизнинг ёрқин далили сифатида шуни айтиш керакки, Чирчиқ шаҳар ҳамда Оҳангарон туман партия ташкилотлари касалхоналарни, Янгийўл шаҳар ва Бўстонлиқ туман кенгашлари ҳимояга муҳтож оилаларни оталиққа олган бўлсалар, Ангрен ҳамда Чирчиқ шаҳарларида хайрия тадбирлари ўтказилишидан тушган маблағлар ҳисобига кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатишнинг турли усуллари қўлланилмоқда. Паркент тумани партия кенгаши туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда 60 та, ота-она меҳридан бенасиб қолган, етим болалар учун янги йил дастурхони тузаб, болажонларга кийим-бош, совғасаломлар инъом этди.

Айниқса, Аёллар йилида партия ташкилотларининг оила фаровонлигини ошириш, аёллар, оналар ва ёш авлод манфаатларини ҳимоялаш бўйича республика Президенти ҳамда ҳукумати қарорларини, Ўзбекистон Халқ демократик партияси сиёсатини тарғиб этиш ва рўёбга чиқаришдаги фаолияти анча жонланди. Вилоятнинг барча ҳудудларида кўрик-танловларни ўтказиш одат тусига кирди, деярли ҳамма жойларда оила ва аёллар масалаларига бағишлаб, конференциялар ўтказилди.

Лекин, ўтган ҳисобот даврида вилоят партия ташкилотининг ижтимоий ислоҳотларнинг амалга оширилишида иштирок этишнинг имконият ва заҳираларидан тўлиқ фойдалана олмаганлиги ҳам сир эмас. Кўп ҳолларда, ўтказилаётган тадбирлар ўзини оқламай қолмоқда, жамоат ташкилотлари билан бу борадаги ҳамкорлик ҳам етарли эмас.

Ваҳоланки, қатор партия ташкилотлари ушбу вазифаларни ҳал этишда тарғибот-ташвиқот, сиёсий клублар, ахборотчилар гуруҳлари, «Маърифат» марказлари, маънавият кунлари каби, синовдан ўтган иш тажрибаларидан кенг фойдаланмоқда. Бу ўринда Чирчиқ, Олмалиқ, Ангрен, Янгийўл, Бекобод шаҳарлари, Бўстонлиқ, Қибрай, Тошкент, Зангиота, Паркент, Янгийўл, Бекобод туманлари партия ташкилотларида тўпланган иш тажрибасини кўрсатиш мумкин.

Вилоят партия ташкилоти томонидан хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш борасида ҳам муайян ишлар олиб борилмоқда. Фикримизнинг исботи учун айрим кўрсаткичларни қаламга олиш ўринли. Вилоятдаги олтита Олий Мажлис депутатларидан 2 киши, партия конференция делегатларининг ҳар тўртинчиси, шаҳар, туман партия кенгашлари аъзоларининг ҳам худди шунчаси ва бошланғич партия ташкилотлари котибларининг ҳар бешинчисини хотин-қизлар ташкил этади. Бу кўрсаткичлар билан бу йўналишда фаолият рисоладагидек кетаяпти, десак, хато қилган бўламиз. Бу ўринда ҳал этилишини кутиб турган муаммолар кўлами ҳали катта.

Вилоятда юз бераётган иқтисодиёт тузилмаларидаги ўзгаришлар, хориж инвестицияларининг жалб қилиниши, қишлоқда ислоҳотларнинг янада чуқурлашуви натижаси ўлароқ, ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши, иқтисодиётда ва қишлоқ инфраструктурасида ривожланишга эришилишида ХДП аъзоларининг ўз ўрни ва ҳиссаси бор.

Вилоятда газ ва сув қувурлари тармоқларининг ишга туширилиши, аҳолини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш ишларидан ҳам вилоят партия ташкилотларининг ҳокимлик билан ҳамнафас эканлигини яна бир карра билиб олиш мумкин. Улар бу долзарб ишларда энг катта масъулиятни ўз зиммаларига олганлар.

Ҳисобот даврида вилоят партия ташкилоти диққат марказида турган муҳим масалалардан бири — депутатлар билан ишлаш масаласидир. Ҳозирда вилоятда Олий Мажлисга 6 та, халқ депутатлари вилоят Кенгашига 12, шаҳар, туманлар кенгашларига 266 нафар халқ демократик партиясидан вакиллар сайланган. Уларнинг барчаси ўзларини ҳар бир ишда партия кенгашлари таянчи ва суянчиқлари сифатида намоён этмоқдалар. Конференцияда ҳам уларнинг фаоллиги ва иштироки яққол сезилиб турди. Ундан ташқари, барча даражадаги депутатларнинг ҳисобот ва ахборотларини эшитиб бориш партия ташкилотлари ҳаётида одатий ҳолга айланган. Вилоятда 200 дан ортиқ депутатлар қабулхоналари мавжуд бўлиб, уларда барча даражадаги депутатлар сайловчилар билан учрашувлар ўтказдилар. Шу билан биргаликда, шаҳар, туман кенгашлари қошида ҳам, жамоатчилик қабулхоналари фаолият кўрсатмоқда. Албатта, ушбу соҳада ҳам, камчилик ва имкониятлар бисёр. Конференциядаги маъруза ва музокараларда партия қурилиши масалалари ҳам катта ўрин эгаллади.

Бугунги кунда пойтахт вилояти партия ташкилотининг аъзолари сони 38 мингдан ортиқдир. Ҳисобот даври мобайнида, унинг сафлари 8138 аъзога, бошланғич ташкилотлари сони эса 18 тага кўпайди. Вилоятда партия қатлами билан халқ хўжалигининг деярли барча соҳалари қамраланган бўлиб, унинг ижтимоий таркиби ҳам турличадир, аъзолар 47 миллат вакилларидир.

Шаҳарлар, туманлар партия кенгашларида ишчан жамоалар фаолият кўрсатмоқдалар. Кенгашларни билимдон, партия ғояларига содиқ кишилар бошқармоқдалар. Партия ходимларининг эса муқимлиги сақланмоқда. 21 та шаҳар ва туманларнинг 18 та партия ташкилотлари ўзларининг аввалги саркотибларини ишонч билан қайта сайладилар. Шу билан бирга, 27 фоиздан ортиқ бошланғич партия ташкилотлари котиблари асосан ёшларни ташкил этади.

Бекобод туманидаги «Ғалаба» жамоа хўжалиги бригадири, фахрий Бегман Назиркуловнинг яқинда ўзи ва 5 ўғли билан ЎзХДП сафига кирганини ҳамда 50 нафар неварасини ҳам шу партия сафларига тайёрлаётгани тўпланганлар олқишига сазовор бўлди.

Бу мисоллар партиямиз ғояларининг оддий кишиларга маъқул-манзурлигидан далолат бермоқда.

Конференцияда сўзга чиққанлар, жумладан Тошкент вилояти ҳокими муовини А.Раҳимбердиев 500 мингдан зиёд аъзоларни ўз сафларида бирлаштирган Ўзбекистон Халқ демократик партияси Олий Мажлис ва маҳаллий ҳокимият органларига навбатдаги сайловлар олдида, аъзолар сонининг кўплигига ишониб, мавқени қўлдан бериб қўймаслиги, партия ички интизомини мустаҳкамлаши, унинг тузилмасини янада такомиллаштириши, бўлажак сайловларга пухта ҳозирлик кўриши тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Ғуломова сўзга чиқиб, партиянинг ёш аъзоларини сиёсий жиҳатдан тарбиялаш, жойларда хотин-қизлар кенгашларини кўпроқ бу ишга сафарбар қилиш, аёлларни сиёсий фаоллигини ошириш, сайловларда хотин-қизларнинг иштирокини таъминлаш хусусида тўхталди.

Конференция Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилояти ташкилоти фаолиятининг келгуси даврдаги устувор йўналишларини аниқлаб, мамлакатимиз раҳбари И.А. Каримов олиб бораётган ислоҳотлар йўли ва ижтимоий адолат сиёсати атрофида пойтахт вилояти аҳлини жипслаштиришни муҳим стратегик вазифа, деб белгилади.

Конференцияда ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши ҳамда ташкилот тафтиш комиссиясининг янги таркиби шакллантирилди, у, шунингдек, мазкур кенгашга партиянинг III қурултойи ҳамда бўлажак сайловлар муносабати билан тегишли ваколатлар берди.

Конференция ишида иштирок этган Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов ўз нутқида Тошкент вилоят партия ташкилоти партиянинг муҳим таянчи эканлигини таъкидлаб, партия аъзоларини бўлажак сайловларга ҳозирдан пухта ҳозирлик кўришга чақирди.

Конференцияда Тошкент вилояти ҳокими муовини Ҳ.Аҳмедов иштирок этди.

ЎзХДП Тошкент вилоят кенгашининг ташкилий пленуми бўлиб ўтди. Унда вилоят кенгашининг биринчи котиби этиб С. Агзамов, иккинчи котиби этиб Р. Солихов қайта сайландилар.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Жўшқинлик — ишлар изчиллиги кафолати

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Андижон вилоят ташкилотининг II конференцияси делегатларини рўйхатга олиш давом этаётган кенг залнинг кираверишида Андижон қишлоқ хўжалик институти профессори Рихси Файзиев билан кўришиб қолдим. Партия фаоли бўлган профессор куюнчаклик билан кўнглини очди:

— Бунақа анжуман ҳадеб бўлавермайди. Кўнглимдагини кўпчиликка етказиш учун сўзга чиқишга ёзилдим. Партия ташкилотларининг иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишни таъминлаш, хусусан пахтачилик равнақидаги илғор технологияларни қўллаш ҳақида мулоҳазаларимни билдираман.

Кекса бўлса ҳам ёшлардек ғайрат-шижоатли Р. Файзиев сингари ҳаётга теран тафаккур билан муносабатда бўлувчи делегатлар анжуманда кўпчиликни ташкил этгани кейинроқ аниқ кўринди.

Вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Саркержон Раҳимов маърузасида ташкилотнинг ўтган йиллардаги фаолиятининг изчил таҳлили, унинг истиқболдаги устувор вазифалари аниқ белгиланганлиги билан конференция делегатлари эътиборини тортди. Ортда қолган йилларга назар ташлаш муваффақиятларни кўрсатади. Мавжуд камчиликларни илғаб, бартараф этишга чоғлантиради.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят ташкилотлари Дастур ва Низомда ифода этилган мақсад ва вазифаларни ҳаётга изчил жорий этиш, Миллий истиқлол мафкурасини аҳоли турли қатламлари ўртасида тарғиб-ташвиқ қилиш ҳамда республика Президенти И.А.Каримов бошчилигида юритилаётган халқчил ички ва ташқи сиёсатни қўллаб-қувватлаш ишларида фаол иштирок этяптилар. Ўтган йиллар давомида партия ўзининг амалий ишлари билан эътиборга сазовор бўлган нуфузли, сиёсий кучга айланди. Ҳозир вилоятимизнинг 4 та шаҳар ва 14 та туман кенгашлари таркибидаги 1209 та бошланғич партия ташкилотлари ўз сафларига 42500 га яқин партия аъзоларини бирлаштириб турибди.

Ўтган йиллар давомида партия ташкилотлари сафларига 18500 дан зиёд янги аъзолар қўшилди. Асака, Хонобод шаҳарлари, Андижон, Баликчи, Жалолқудуқ, Избоскан, Қўрғонтепа, Марҳамат, Шаҳрихон туман партия ташкилотлари сафлари йилдан-йилга муттасил ўсиб бормоқда. Бугунги кунда вилоят партия ташкилотлари таркибида 11250 дан ортиқ 30 ёшгача йигит-қизлар бўлиб, улар вилоятдаги партия аъзоларининг ҳар тўртинчисини ташкил этади.

Ҳисобот йилларида вилоятда 330 та янги бошланғич ташкилот тузилиб, жумладан ҳудудий партия ташкилотлари, 1995 йилга солиштирилганда, 121 тага кўпайди.

Партия фаолиятининг самарадорлиги, кўп жиҳатдан, етакчи кадрларга, уларнинг сиёсий савияси, ташкилотчилик қобилияти, фидойилигига, боғлиқ. 1992-1999 йилларда, партия кенгашлари котибларининг малакасини ошириш, партия ташкилотларидаги ибратли тажрибаларни оммалаштириш мақсадида, вилоят миқёсида Андижон, Асака шаҳарлари, Марҳамат, Жалолқудуқ, Бўз, Пахтаобод, Баликчи туманлари партия ташкилотлари негизида омма маънавиятини юксалтириш, деҳқон (фермер) хўжаликларини ривожлантириш, фуқаролар йиғинлари фаолиятини фаоллаштириш, партия депутатлик гуруҳини аниқ мақсадларга йўналтириш, партия тузилмаларини такомиллаштириш, сафларини мустаҳкамлаш масалаларига доир, кўплаб кўргазмали семинар-йиғинлар ўтказилди.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда вилоятимиздаги мавжуд бошланғич партия ташкилотларининг ҳар учдан бири, цех ташкилотларининг яқин 65 фоизи аҳоли истиқомат жойларида ташкил этилган. Бу партиявий ишларни маҳаллаларга кўчиришга асос яратаяпти.

Давр ҳар бир ишга масъулият ва танқидий нуқтаи-назардан қарашни тақозо этмоқда. Шу жиҳатдан, ҳисобот даврида партия ташкилотлари томонидан талай камчиликларга ҳам йўл қўйилди. Таҳлилларнинг кўрсатишича, шаҳар ва туман кенгашлари ички партиявий ишларни янада яхшироқ амалга ошириш, партия сафларини мустаҳамлаш учун мавжуд имкониятлардан тўла-тўкис фойдаланмадилар. Ўринсиз баҳоналар билан кадрлар қўнимсизлигига йўл қўйилганлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Ўтган йилнинг ўзида Қорасув шаҳар, Бўз туман партия кенгашларининг биринчи котиблари, Андижон, Асака туманлари кенгашларининг иккинчи котиблари икки мартадан алмаштирилди.

Партиямиз дастурий ғоя ва мақсадлари билан сафдошларимизни қуроллантириш, юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ва маънавий ўзгаришлар моҳиятини фуқароларга тушунтириш борасида олиб бораётган ишларда шаҳар, туман кенгашлари, бошланғич партия ташкилотлари қошида тузилган 300 дан зиёд «Маърифат» марказлари ва хоналарининг хизмати беқиёс. Улар мафкуравий ишларнинг таянч нуқталари бўлиб қолмоқда.

Маъруза юзасидан музокарада сўзга чиққан Ўзбекистон ХДП Жалолқудуқ туман кенгаши биринчи котиби М. Қурбонова, «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими раҳбари А. Солиев, «Ризқ» ҳиссадорлик жамияти раиси вазифасини бажарувчи Қ. Юсупов, Андижон қишлоқ хўжалик институти профессори Р. Файзиев, Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи М. Мирзаев, «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раисининг ўринбосари Ш. Қуббиев, «Камолот» жамғармаси Марҳамат туман бўлими раиси Қ. Тошболтаевлар партиявий фаолиятни янада жўшқинлаштириш борасида ўз мулоҳаза ва таклифларини билдирдилар.

Мамлакатимиз Президенти И.А. Каримовнинг республика Олий Мажлиси XIV сессиясида қилган маърузасида, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавобларида баён этилган масъулиятли вазифалар ҳар бир партия аъзосини янада фаол бўлишга даъват этмоқда.

Конференцияда ЎзХДП Андижон вилоят кенгаши ҳамда тафтиш комиссиясининг янги таркиби шакллантирилди. Шунингдек, Ўзбекистон ХДПнинг навбатдаги қурултойи ва бўлажак янги сайловлар муносабати билан вилоят кенгашига ваколатлар берилди. Конференцияда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг котиби, Олий Мажлис депутати И. Кочмарик, Андижон вилоят ҳокимининг ўринбосари Н.Саидовлар сўзга чиқиб, партия аъзоларининг келгусидаги устувор вазифалари ҳақида фикр юритдилар.

Конференцияда Андижон вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Р.Тиллабоев, М. Шамсибоева иштирок этдилар.

***

ЎзХДП Андижон вилоят кенгашининг ташкилий пленуми бўлиб ўтди. Унда партия вилоят кенгашининг биринчи котиби этиб С.Раҳимов қайта сайланди.

Аҳмадулло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

БУХОРО

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Бухоро вилоят ташкилотининг иккинчи конференцияси «Интилиш, изланиш ва ташаббускорлик — фаолиятимизнинг асосий мезони бўлсин» шиори остида ўтди. Конференция делегатлари партия ташкилотининг ҳисобот давридаги фаолиятини таҳлил қиларканлар, асосий эътиборни Президентимиз И.А. Каримовнинг Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида бўлган чоғларида айтган фикрлари ҳамда кўрсатган йўл-йўриқларига қаратдилар. Зеро, интилиш, изланиш, ташаббускорлик бўлмаган жойда тараққиёт ҳам, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар самараси ҳам кўнгилдагидек бўлмайди. Буни вилоят партия ташкилотининг ҳисобот даври фаолиятидаги ютуқ ҳамда айрим қусурлардан ҳам яққол билиш мумкин.

— ЎзХДП ўтган давр мобайнида юртимиздаги халқчил, одил сиёсий куч сифатида элга танилди, — деди ҳисобот маърузасида вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Жалолиддин Нуруллаев.

Холис танқид руҳида ўтган конференцияда сўзга чиққанлар вилоят партия ташкилоти фаолиятини янада яхшилашга хизмат қилувчи амалий таклифларни ўртага ташладилар. Масалан, халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайланган депутатлар фракцияси фаолиятини яхшилаш лозимлигини, ёшлар муаммоларини ҳал этиш учун вилоят кенгаши ҳузурида «Ёшлар клуби»ни очиш даркорлигини қуйиниб гапирдилар.

Конференцияда ЎзХДП Марказий Кенгашининг Мафкуравий ишлар бўлими мудири Собир Қурбонов, Бухоро вилоят ҳокимининг ўринбосари Нуриддин Очилов нутқ сўзладилар.

ЎзХДП Бухоро вилоят кенгашининг ташкилий пленумида Ж. Нуруллаев кенгашнинг биринчи котиби этиб сайланди.

ФАРҒОНА

— Вилоят партия ташкилотининг биринчи конференциясидан буён ўтган даврда Фарғонада ХДП аъзолари сони 50 фоиздан ортиқроқ кўпайди ва, айни пайтда, вилоятда партиянинг қирқ саккиз минг аъзолари фаолият кўрсатмоқдалар. Қисқа қилиб айтганда, ҳисобот даврида вилоят ташкилоти ташкилий жиҳатдан шаклланиб, сон жиҳатдан ўсди.

Вилоят партия кенгашининг биринчи котиби А. Эгамбердиевнинг ҳисобот маърузасида, ўтган йилларда эришилган ютуқлар қайд этилгани ҳолда, асосий диққат-эътибор ўз-ўзини танқидга қаратилди. Фарғона шаҳри, Боғдод, Ёзёвон туман кенгашларида партия сафларини ўстириш яхши эмас. Масалан, вилоят маркази, ўнлаб йирик саноат корхоналари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ишлаб турган Фарғона шаҳрида ўтган йили партия сафлари атиги 10 кишига ўсганлигини нима билан изоҳлаш мумкин?

Конференцияда сўзга чиққанлар айрим ёшларнинг диний ақидапарастлик йўлига кириб қолаётганликлари ва, ҳатто, олий ўқув юртлари талабалари орасида ҳам мана шундай ярамас кайфиятдагиларнинг пайдо бўлиши бу соҳада қилинадиган ишлар кўламининг кенглигидан далолат беради, дейишди. Нотиқлар яқинлашиб келаётган сайловлар партия учун жиддий синов эканлигини, номзодлар кўрсатишда, уларнинг эл-юртдаги обрўси, ҳалол-поклиги, ишчан-ташаббускорлиги билан бирга, партияга чинакам садоқати энг асосий мезонлардан бири бўлиши лозимлигини таъкидлашди.

Конференцияда вилоят ҳокими муовини Ф.Азимов, ЎзХДП Марказий Кенгаши вакили Г. Наганев сўзга чиқдилар. Анжуман ишида вилоят ҳокими муовини, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Г.Маъруфова иштирок этди.

ЎзХДП Фарғона вилоят кенгашининг ташкилий пленуми бўлиб ўтди. Унда А. Эгамбердиев вилоят партия кенгашининг биринчи котиби этиб қайта сайланди.

ЖИЗЗАХ

Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят ташкилотининг II конференциясида кенгашнинг биринчи котиби Илҳом Умрзоқов маърузаси тингланди.

24 мингга яқин партия аъзолари вилоят халқ хўжалигининг турли тармоқларида фидокорона меҳнат қилаяптилар. Партия ташкилотларининг фаоллиги ўсмоқда. Бошланғич партия ташкилотлари 1991 йилга нисбатан 123 тага кўпайиб, улар сони ҳозир 699 тага етди. Айни пайтда, вилоятда 234 та ҳудудий партия ташкилотлари мавжуд. Бугунги кунда улар сафидаги партия аъзолари 23723 нафарга етди. Лекин, шуни айтиш керакки, баъзи туманларда сўнгги пайтда партия ташкилотлари сафи ўсиш ўрнига камайди. Бундай камчиликлар Фориш, Мирзачўл туманларида содир бўлди. Арнасой, Дўстлик, Зарбдор туманларида эса ҳудудий партия ташкилотлари сонини кўпайтиришга етарли эътибор берилмаяпти.

Кейинги пайтда аҳоли гавжум яшайдиган жойларда тарғибот-ташвиқот, мафкуравий ишлар бўшашиб кетди. Аҳоли билан учрашувлар, жонли мулоқотлар ўтказилмаяпти.

Конференцияда сўзга чиққан нотиқлар бир неча амалий таклифистакларини билдирдилар.

Конференцияда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши тафтиш комиссияси масъул котиби Вали Абдусаматов, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарининг Бош муҳаррири, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Азим Суюн, Жиззах вилояти ҳокими муовини О. Жавлонов сўзга чиқдилар.

Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят партия кенгашининг ташкилий пленуми бўлди. Пленумда Илҳом Умрзоқов вилоят партия кенгашининг биринчи котиби этиб қайта сайланди.

НАМАНГАН

Наманган вилоят партия ташкилотининг иккинчи ҳисобот-сайлов конференциясида ўтган даврда қилинган ишларга холис баҳо берилди, заиф томонлар кўрсатилди, камчиликларни бартараф этиш йўллари белгиланди.

Ҳозирда эллик мингга яқин аъзога эга партия ташкилотининг хайрли ишлари кўп. Ҳар йили тўрт минг нафаргача наманганликлар партияга аъзо бўлиб кирмоқдалар. Вилоят бўйича, 5 нафар киши Олий Мажлисга, 18 нафар фаол вилоят Кенгашига ва 200га яқин ҳаммаслак маҳаллий бошқарув органларига депутат этиб сайланди. 275 та «Маърифат» марказлари фаолияти ўз мазмундорлиги билан ажралиб туради.

Вилоят партия кенгашининг газетаси — «Халқ иродаси» наинки партиявий фаолиятнинг, балки, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг изчил ифодачисига айланиб бормоқда.

Партия кенгашларининг маҳаллий бошқарув идоралари билан ҳамкорлиги тўғрисида ҳам илиқ фикрлар айтиш мумкин. Бироқ, айрим туманларда бундай ҳамкорликка эришилмаган. Оқибатда, сиёсий ишлар ўлда-жўлда, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар самараси паст. Конференцияда бу борада алоҳида гап бўлди. Анжуманда маъруза қилган вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Ҳабибулла Убайдуллаев, музокарада сўзга чиққанлар қатор бошланғич партия ташкилотлари, айрим туман кенгашлари ижтимоий-сиёсий ҳаётда ўз ўринларини мукаммал топа олмаётганларини, партиявий ишда нўноқлик, фаолиятдаги сустлик, маслакдошлар ва аҳоли кенг қатламлари орасида нуфузнинг кўтарилишига халал бераётганини, бу эса кўппартиялилик даври ва, айниқса, халқимизда сиёсий фаоллик ошган ҳозирги шароитда бунинг оқибати пировард натижага таъсир қилмай қолмаслигини таъкидлаб ўтдилар.

Конференция ишида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг вакили Г. Наганев, вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Й. Жўраев сўзга чиқдилар. Анжуманда вилоят ҳокимининг ўринбосари И.Нажмиддинов қатнашди. Ҳ.Убайдуллаев вилоят партия кенгаши ташкилий пленумида яна саркотиб этиб сайланди.

САМАРҚАНД

— Шу йил 16 февраль куни мамлакатимиз пойтахтида содир этилган ёвузлик ҳаммамизни огоҳ ва ҳушёр бўлишга чорлади, — деди Самарқанд вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Р.Ҳамроқулов. — Бу воқеа 46 минг нафардан ортиқ партия аъзолари нафратини уйғотди. Тарғибот-ташвиқот ишлари кучайтирилди. ХДП вилоят ва туман кенгашлари Президентимиз ва ҳукуматимиз Фармон ва қарорларини бажаришда самарали фаолият кўрсатди. Аммо қабул қилинган қарорларнинг ижросини таъминлашда Пайариқ (З. Йўлдошев), Нуробод (П. Мустафоев), Қўшработ (У. Одилов) туман партия кенгашларида расмиятчиликка йўл қўйилди.

Бугунги кунда вилоят партия ташкилоти тизимида 18 та шаҳар, туман ташкилоти, 1421 та бошланғич партия ташкилоти, 547 та ҳудудий партия ташкилоти аниқ-равшан мақсадга йўналтирилган режа асосида фаолият кўрсатмоқда. Бу — катта куч.

Ҳисобот-сайлов конференциясида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаш Мафкура ишлари бўлими мудири С. Қурбонов, вилоят ҳокимининг ўринбосари А. Маматовлар сўзга чиқдилар.

Ташкилий пленумда вилоят партия кенгашининг биринчи котиби этиб Р. Ҳамроқулов қайта сайланди.

ҚАШҚАДАРЁ

Қашқадарё вилоят партия ташкилотининг II ҳисобот-сайлов конференцияси воҳа меҳнаткашлари олдига Президентимиз ўз ташрифи давомида қўйган вазифаларни амалга ошириш учун фаол меҳнат қилаётган, далаларда ризқ-рўзимиз — донни йиғиб олиш учун кураш кетаётган кунларга тўғри келди. Ҳисобот маърузасини қилган ХДП вилоят кенгаши биринчи котиби, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Ф. Омонов бутун эътиборини ана шу масалаларга қаратди. Айни пайтда, сафида 40 минг аъзо бўлган вилоят ташкилоти иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни амалга оширишда фаол қатнашмоқда. Партия ташкилотлари аъзоларининг 63 фоизи бевосита ишлаб чиқариш билан банд. Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 57 депутатидан 24 нафари партиядан сайланган. Кенгашдаги партия гуруҳи сессияларда вилоятни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ муҳим масалаларни дадил кўтариб чиқмоқда. Гуруҳ ташаббуси билан вилоят ҳокими ўринбосарининг қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш ва солиқ бошқарма тизимида маънавият ва маърифат ишларининг аҳволи ҳақидаги ахборотлари сессияларда эшитилди. Маърузачи айтганидек, ўтган даврда партия ғояларига содиқ 15 минг нафар янги аъзо келиб қўшилди. Йўл қўйилаётган камчиликлар ҳам очиқ-ойдин кўрсатиб берилди. Масалан, вилоятда кўпгина корхона, хўжалик, транспорт идоралари зарар билан ишламоқда. Бу эса ҳаммани ташвишга соладиган ҳолдир. «Каштекс» ва Шаҳрисабздаги «Кумуш» ҳиссадорлик жамиятлари энг замонавий хорижий ускуналардан фойдаланилаётганига қарамай, қолоқликдан чиқа олишмаяпти. Ваҳоланки, 4 йилда 4 мартадан раҳбарлар алмашмоқда. Партия ташкилотлари бу аҳволга бефарқ бўлмасликлари керак-ку?!

Маърузачи ва музокарада сўзга чиққанлар бошланғич ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш, сайловларда фаол иштирок этиш, айниқса, ёшлар билан ишлаш масалаларига эътиборни қаратдилар. Бу борада кенгаш қошидаги «Ёшлар клуби» раҳбари Д. Аллаевнинг чиқиши кўпчиликнинг эътиборини тортди.

Анжуманда вилоят ҳокимининг ўринбосари Р. Раҳмонов, ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходими М. Ельшов сўзга чиқдилар.

Вилоят партия кенгашининг ташкилий пленумида Фармон Омонов яна биринчи котиб этиб сайланди.

* * *

Барча вилоят партия конференцияларида яқин истиқболга мўлжалланган устувор йўналишлар муҳокама қилинди ва белгилаб олинди. Тафтиш комиссияларининг ҳисоботлари тингланди. Вилоят партия кенгаши ва тафтиш комиссияларининг янги таркиби сайланди. Конференциялар, шунингдек, Ўзбекистон ХДПнинг бўлажак III қурултойи ҳамда сайловлар муносабати билан, вилоят партия кенгашларига, тегишли ваколатлар берди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Дон сара етилди

Тўрақўрғон тумани ғаллакорлари вилоятда биринчи бўлиб давлатга дон топшириш шартномавий режасини бажардилар. Омборларга 12800 тоннадан зиёд сара дон топширилди. Ҳар гектар ер ҳосилдорлиги 41 центнердан ортди. Туманда 4500 гектар ғаллазор оилавий пудратчиларга берилгани мақсадга етиш имконини берди. «Тўрақўрғон», «Соҳилобод», Набиев номли хўжаликларнинг ўнлаб пудратчилари ҳосилдорликни 60 центнердан ҳам оширдилар.

Наманган тумани 13631 ва Учқўрғон тумани 15450 тонна ғалла топшириб, улар ҳам шартномавий режани адо этдилар. Вилоятда ғалла ўрим-йиғими ва уни омборларга топшириш жадал давом этмоқда.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Суд ҳукми эълон қилинди

1999 йилнинг 2 июнида Ўзбекистон Республикаси Олий судида шу йилнинг 16 февраль куни Тошкентда мамлакат Президенти ва давлатимизнинг бошқа раҳбарларини жисмонан йўқ қилиш, Конституциявий тузумга қарши қўпорувчилик ва бошқа ўта оғир жиноятларни содир этганликда айбланувчи йигирма икки нафар шахсга нисбатан очиқ суд жараёни бошланган эди.

28 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати, Олий суд Раисининг биринчи ўринбосари А.Полвонзода раислигида, Олий Суд судъялари Р.Акбаров ва Қ.Исаров таркибидаги суд ҳайъати суд мажлиси давомида судланувчилар, гувоҳлар, жабрланувчиларнинг кўрсатмаларини, тарафларнинг музокара сўзларини, судланувчиларнинг охирги сўзларини ва ишда тўпланган бошқа далилларни маслаҳатхонада ҳар томонлама таҳлил қилганлигини, судланувчиларнинг ҳар бирини Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан ҳақиқий содир этган жиноий ҳаракатларига асосан айбли деб топганлигини кўрсатиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 59-моддаси, яъни содир қилган жиноятлар мажмуи асосида ҳар қайси жинояти учун алоҳида жазо турларини белгилаб, шу белгиланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан судланувчиларга ўташ учун қуйидагича қатъий жазолар тайинланганлигини эълон қилди.

Судланувчилардан Козимбек Зокиров, Баҳром Абдуллаев, Зикир Ҳасанов, Муҳаммад Абдураҳмонов, Зоҳиджон Деҳқонов, Таҳъатбек Нуралиев ўрим жазосига ҳукм этилди.

Рустам Маматқулов, Дилшод Камолов, Шерзод Шеров, Ҳотамшер Назаров, Орифжон Алимов, Абдунаби Нишонбоев, Ҳусанбой Закиров, Нодирбек Умаровларнинг ҳар бири 20 йилдан муддатга, Оловуддин Болтаев 18 йил муддатга, Каримжон Узоқов ва Аҳад Маматжонов 15 йил муддатга, Зайниддин Асқаров 11 йил муддатга, Фозилжон Асқаров, Нурали Йўлдошев, Қаҳрамон Ниёзмуҳамедов, Бахтиёр Турдиохуновларнинг ҳар бирига 10 йилдан муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланиб, жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўташ белгиланди. Суд уларга жазо тайинлашда Президентимиз ва халқимизни кечиримли эканликларини ҳам назарда тутди.

Қонунларимиз инсон ҳуқуқларини, у ким бўлишидан қатъий назар, ҳимоя қилади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати биринчи босқичда кўрилган ушбу иш бўйича чиқарилган ҳукмни ўқир экан, судланувчилар ҳукмдан норози бўлса, Олий Суднинг Раёсатига кассация тартибида шикоят қилиш ҳуқуқидан фойдаланишлари ҳамда авф этиш ва илтимос қилиш ҳуқуқига эга эканлиги тушунтирилди.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎзА мухбири

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1999 йил 29 июндан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади*

1 Австралия доллари	81,82
1 Австрия шиллинги	9,38
1 Англия фунт стерлинги	196,31
10 Бельгия франки	31,98
1 Голландия гульдени	58,54
10 Греция драхмаси	3,98
1 Дания кронаси	17,36
1 БАА дирхами	33,66
1 АҚШ доллари	123,62
1 Миср фунти	36,31
10 Испания песети	7,75
100 Италия лираси	6,66
1 Канада доллари	84,20
1 Хитой юани	14,93
10 Люксембург франки	31,98
1 Малайзия ринггити	32,54
1 Германия маркаси	65,96
1 Польша злотийси	31,57
1 СДР	165,81
1000

Маънавият оқсаган жойда...

Арнасой тумани ҳокими Раҳимжон Есенқулов диққатига

Ҳурматли Раҳимжон ака!

Сизни тадбиркор ва ташкилотчи раҳбар, камтар бир инсон сифатида яхши биламиз ва ҳурмат қиламиз. Дўстлик туманидаги йирик хўжаликлардан бири — «Оқ олтин» хўжалигига ўн йилдан зиёд раҳбар бўлдингиз ва уни вилоятдаги иқтисодий бақувват хўжаликлардан бирига айлантиришга муносиб ҳисса қўшдингиз. Бир неча йилдан бери Арнасой тумани ҳокими сифатида туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, бу ғўшада яшаётган ҳар бир фуқарога муносиб ҳаёт шароити яратиш йўлида астойдил меҳнат қилаяпсиз. Бу даврда туманда кўпгина яхши ишлар қилингани, анчагина ижобий ўзгаришлар бўлганидан ҳам кўз юмолмаймиз.

Ютуқлар Сизники, арнасойликларники. Аммо бугун гап бу ҳақда эмас. Гап тумандаги айрим мутасадди раҳбарларнинг айби билан, уларнинг масъулиятсизлиги ва бепарволиги оқибатида йўл қўйилаётган камчиликлар, ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлидаги тўсиқлар, йўғини яратмаган тақдирда ҳам борини асраб-авайламасликдек қусурлар тўғрисида.

Эласангиз, муҳтарам юртбошимизнинг шундай гаплари бор: «Ислоҳот — энг аввало одамлар онгидаги ўзгаришдир. Токи бизнинг тафаккуримиз эскича қарашлардан халос бўлмас экан, бугунги кун вазифасини ҳар бир замондошимиз онгига, қалбига етказмас эканмиз — туб ўзгаришларга эриша олмаймиз».

Бу гапларнинг мағзини чақиб кўрадиган бўлсак, масаланинг моҳияти аввало маънавият ва маърифатга бориб тақалишини сезиш қийин эмас. Шу ўринда Президентимизнинг бошқа бир гаплари эсга тушади: «Миллат, давлат, жамият тақдири ҳал бўлаётган паллада ўзлигимизни англаш, маънавий илдизларимизни унутмаслик катта аҳамиятга эга. Моддий етишмовчилик албатта оғир синов, лекин унга меҳнат билан, сабр-тоқат билан бардош берса, енгиб ўтса бўлади, аммо маънавий инқироз, маънавий қашшоқликдан, унинг оқибатидан худонинг ўзи асрасин».

Энди мақсадга ўтсак. Дангалини айтганда, Сиз раҳбарлик қилаётган тумандаги айрим мутасаддиларга ҳайрон қолаяпмиз. Улар юртбошимиз томонидан миллатимиз, давлатимиз, мустақиллигимиз тақдирини, сизу бизнинг келажагимизни ўйлаб айтилган юқоридаги гапларни ё ўқишмаган ёки ўқишмаган кўринадилар. Акс ҳолда туманда маънавият ва маърифатга тўртинчи ёки бешинчи даражали масала сифатида қаралмаган, одамларнинг ва айниқса ёшларнинг онгини ўзгартириш билан боғлиқ ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилмаган бўларди.

Бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлган маънавий жиҳатдан баркамол инсонни тарбиялаш, таълим тизимини такомиллаштириш, миллий уйғониш ғояси асосида маънавий ва руҳий жиҳатдан янги авлодни вояга етказиш билан боғлиқ ишларни олайлик. Айни пайтда туманда 21 та умумтаълим мактаблари, 8 та мактабгача тарбия муассасалари мавжуд. Шундан 11 та мактаб мослаштирилган биноларда жойлашган. Деярли ҳамма мактабларда дарслар икки сменада олиб борилмоқда.

Ўқиш ва ўқитишнинг илғор усулларини жорий этишга кам эътибор берилаяпти. Ўтган ўқув йилида мактабларни ўқитувчи кадрлар билан таъминлаш қониқарли бўлмади. Жами 151 та мутахассис етишмади. Химия, математика, тарих фанлари ва бошланғич синфлар бўйича малакали муаллимларнинг камлиги яққол сезилиб қолди. Мавжуд мактабларнинг 13 тасида компьютерли синфлар ташкил қилингани ҳолда уларнинг 50 фоизиям ишлатилмади. Ўтган қишки мавсумда 7 та умумтаълим мактаблари иситилмаганлиги сабабли ҳафталаб ёпиб қўйилганига нима дейсиз?

Бу йил туман бўйича боғча ёшидаги болаларни мактабгача тарбия муассасаларига жалб этиш кўрсаткичи 18 фоиздан ошмади ёки бу кўрсаткич йил сайин камайиб бораяпти. Қишки мавсумда иситилмаслиги, ёзда эса озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдаги қийинчиликларни рўкач қилиб, аслида эса раҳбарларнинг масъулиятсизлиги ва ношудлиги оқибатида йил давомида 4-5 та болалар боғчалари ёпиб қўйилмоқда. «Хоразм», «Самарқанд», «Андижон» ва Бобо Файзиев номли хўжаликлардаги болалар боғчалари мисолида буни яққол кўриш мумкин. Ишлаётган боғчалар ишини ҳам қониқарли деб бўлмайди. Хусусан, «Олтин водий» жамоа хўжалигидаги «Наврўз» болалар боғчаси фаолияти билан танишганимизда тайёрланаётган овқатларнинг сифати талабга жавоб бермаслиги, болалар ҳафталаб, баъзан ойлаб сариёғ, гўшт, тухум истеъмол қилмаётгани маълум бўлди. «Хоразм» хўжалигидаги болалар боғчаси эса ташландиқ ҳолга келиб қолган. Хўжаликдан халқ таълими бўлими балансига ўтиш жараёнида эгасизлик туфайли ундаги қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар, эшик ва деразалар талон-тарож бўлиб кетганини қандай баҳолаш мумкин?

Сир эмас, ҳаётда юз бераётган салбий ҳодисаларнинг барчаси аввало маънавий ва маърифий қашшоқлик шароитида содир бўлаётир. Шунинг учун ҳам таълим-тарбия масаласига давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида ёндошмоғимиз зарур. «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ҳам моҳият-эътибори билан аслида шу мақсадни амалга оширишга қаратилган. Бинобарин, ёш авлодни асрлар оша шаклланган шарқ педагогикаси ва умумбашарий қадриятлар асосида тарбиялашимиз, фарзандларимизда болалар боғчасига қатнаётган даврдан ноқ миллий ғурур, юксак ватанпарварлик, ҳур фикрлилик, комил маънавиятни шакллантиришимиз лозим. Афсуски, Шаҳри Бердиева бошлиқ туман халқ таълими бўлимидаги мутасаддиларнинг бу йўналишдаги ишларидан қониқиш ҳосил қилиш қийин.

Маълумингизким, маданият саройлари, клублар, кутубхоналар ҳар доим маънавият ва маърифат масканлари, ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши танийдиган, боқимандаликни ор деб биладиган, ўз кучи ва ақлига ишониб яшайдиган, шахсий манфаатларини халқ, Ватан манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган комил инсонларни тарбиялаш ўчоқлари сифатида тилга олинади. Лекин тумандаги мавжуд маданият саройлари, клублар, кутубхоналар тўғрисида бундай дейиш қийин. Чунки, маданият саройларининг аксарияти эгасиз ва қаровсиз ётибди. «Олтин водий» хўжалигидаги бир пайтлари кошона сифатида қадрланган «Маданият саройи»нинг бугунги аҳволини кўриб ёқа ушладик. Унинг томидан чакка ўтиб, деворлари нураб бўлган. Эга йўқлигидан ва ҳатто қоровул ҳам қўйилмаганидан туппа-тузук жиҳозлар талон-тарож бўлиб кетган, пол тахталари, ҳатто эшик ва дераза ромлари қўпориб олинган. Вайронага айланган кошонада хўжалик бўлимида иш бошқарувчи бўлиб ишлаётган Абдурашид Умрзоқовнинг турмуш ўртоғи Маҳфират Умрзоқова пилла қурти боқаётган экан.

— Ҳозиргина болаларим ёнидан ўтиб кетган катта илонни кўриб, «Пилласиям бошида қолсин, бу ерни елкамнинг чуқури кўрсин» деб ўтирибман, — дейди у хуноби чиқиб.

Ёзги клубларнинг аҳволига қараб бўлмайди ва уларни клуб деб аташга тилинг ҳам айланмайди. Негаки, улар молхонадан баттар, «Олтин водий», «Хоразм», Бобо Файзиев номли, «Самарқанд» жамоа хўжаликларидаги ёзги клублар тўғрисида бундан яхшироқ фикр билдиришнинг иложи йўқ.

Кутубхоналар иши бугунги куннинг талабига жавоб бермаяпти. Буни туман бўйича фақат бир-иккитагина кутубхонанинг ишлаётгани ҳам тасдиқлаб турибди. Ишлаётган кутубхоналарда бозор муносабатларини шакллантириш, иқтисодий ва маънавий ислоҳотларни такомиллаштиришга бағишланган адабиётларни кенг жамоатчиликка тақдим этиш ва тарғиб қилиш йўлга қўйилмаган, мустақилликка хизмат қиладиган илмий-оммабоп китоблар кам. Китобхонлар конференциялари, адабий-бадиий кечалар ўтказиш, жойларда янги китобларнинг тақдимот маросимларини ташкил қилиш ҳақида гапириш ортиқча. Туман ҳокимлиги маданият ишлари бўлимининг мудири Хусанбой Абдурахмоновнинг эса парвойи палак.

«Хоразм», «Фарғона», «Самарқанд», «Туркистон», «Олтин водий» жамоа хўжаликларидаги спорт майдонларини кўрсангиз бу ерга ойлаб инсон қадами тегмаганми дейсиз. Чунки, уларнинг аксарияти қаровсизликдан бегона ўт босган майдонларга айланган. «Олтин водий» жамоа хўжалиги ҳудудидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби биносига кирган кишининг ҳафсаласи пир бўлиши табиий. Эшик-деразалари синган, поли қўпориб олинган, ўйдим-чуқур бу масканга спортчиларгина эмас, балки шу мактаб директори Абдуманнон Худойназаров ҳам яқин орада қадам ранжида қилмаган кўринади. Туман спорт ишлари йўриқчиси Равил Давидов, қолаверса мутасадди раҳбарлар ўз иш услубларини замон талаблари даражасига кўтариш чораларини белгилай олмаяптилар. Туман ҳокимлиги эса бу борада оддий томошабин ролини ўйнаяпти. Акс ҳолда стадион ва спорт майдонлари ҳар куни спорт ихлосмандлари, ёшлар билан гавжум бўлмасмиди, вилоят ҳамда республика миқёсида ўтказилаётган биринчиликларда арнасойлик спортчиларнинг номлари тилга олинмасмиди? Энг муҳими ёшлар ва ўсмирлар ишдан ва ўқишдан кейинги бўш вақтларини тўғри келган жойда ўзлари билганча эмас, балки спорт масканларида кўнгилли ва фойдали тарзда ўтказмасмиди?

Маҳалла кишилар ўртасида алоҳида тарбиявий аҳамиятга эга бўлган жой ҳисобланади ва у одамларни, айниқса ёшларни жамоа билан бирга яшашга ўргатадиган, шу рухда камолга етказадиган тарбия мактабидир. Чунки, ўзбек боласи дастлабки жамоа тарбиясини аввало маҳалласида олади. Унинг маънавияти, тафаккури кўпчилик орасида, кўни-қўшниларнинг яхши ва ёмон кунларида шаклланади. Аммо, туманда бугун қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари, оқсоқоллар, фаоллар, хотин-қизлар қўмиталари, «Камолот», «Соғлом авлод учун», «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг кундалик ишларига бошқош бўлиш сезилмаяпти. Оқибатда мавжуд 7 та қишлоқ ва 2 та маҳалла фуқаролар йиғинларидаги тарбиявий-ташкилий ишлар кутилган самараларни бермаяпти. Туман марказидаги «Тошкент» маҳалла фуқаролар йиғини фаолияти билан танишганимизда бунга амин бўлдик. Эски усулдаги барак уйнинг бир неча хонасида жойлашган маҳалла фуқаролар йиғини раисининг офисини кўриб, «Раиснинг ҳоли шу бўлса фуқаролари тўғрисида гапиришга не ҳожат» деган хулосага келдик. Негаки, каталакдай хоналарда алмисоқдан қолган столу оёқлари синиқ стуллардан бошқа ҳеч вақо йўқ эди. Бундай шароитда радио, телевизор, газета-журналларнинг янги сонлари, сиёсий ва ҳуқуқий адабиётлар тўғрисида ўйлаш ҳам ортиқчадай туюлди бизга. «Бирни кўриб фикр қил» деганларидай бошқа жойда қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларидаги аҳвол ҳам шундай ёки шунга яқин бўлса керак, деган ўйга бормай иложинг йўқ.

Туманда муҳим ижтимоий масала — қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ҳалигача ҳал этилмаган. «Самарқанд», «Фарғона», «Хоразм», «Туркистон» хўжаликларида истиқомат қилувчи аҳоли бир неча йилдирки, канал ва лоток сувидан истеъмол қилиб келяпти. «Қозоғистон», «Бухоро» хўжаликларига ичимлик суви бир кун борса, икки кун бормай қолаяпти. «Фарғона» хўжалигидаги 1000 кубометр ичимлик суви сақлашга мўлжалланган ҳавза эгасиз ташлаб қўйилган. Кўпгина хўжаликлардаги сув сақлаш ва узатиш ҳавзаларида насослар ишламайди. Аҳоли истиқомат қиладиган қўрғонлар бўйлаб юрсангиз ҳар қадамда чиқинди уюмларига кўзингиз тушади. Аҳоли соғлигини сақлаш, тиббий хизмат борасидаги ишлар кўнгилдагидек эмас.

Туман марказий шифохонасида бўлганимизда дори-дармон, чойшаб, кўрпа-ёстиқларнинг етишмаслиги тўғрисидаги эътирозларни эшитдик.

Шу ўринда шифохона ва поликлиникани тиббиёт техникалари билан таъминлаш қониқарсиз аҳволда эканлигини айтиб ўтмоқ керак. Кейинги 3-4 йил мобайнида тиббиёт асбоб-ускуналари олинмаган. Туман бўйича бор-йўғи иккитагина «Тез ёрдам» машинаси мавжудлигидан, унинг ҳам биттаси бир кун ишласа, уч кун бузуқ ётганлигидан аҳволнинг қандай эканлигини сезиш қийин эмас.

Аҳолига кўрсатилаётган маданий, маиший, савдо хизматига эътирозлар кўпайиб бормоқда. Аксарият дўконларнинг пештахталари бўм-бўш. Улардан 8 турдаги энг зарур товарларни кўп ҳолларда топиб бўлмайди. Кўпгина дўконларнинг пешлавҳалари, иш режими йўқ ва кўпинча эрталабдан кечгача ёпиқ туради. Бундай «манзара» кўпроқ «Туркистон», «Самарқанд», «Қозоғистон», «Ойқор» хўжаликларида жойлашган дўконларда яққол кўзга ташланади. Қишлоқларнинг кўпчилигида оддий косибчилик, тикувчилик, радио ва телевизор тузатиш устахоналари, суратхона йўқ бўлгач прокат хизмати, кийимларни кимёвий тозалаш, кир ювиш, музлатгичларни тузатиш каби бироз тайёргарлик ва махсус малака талаб этадиган хизматлар ҳақида нима дейиш мумкин?

Маънавият ва маърифат оқсаган жойда ҳамиша жаҳолат ва хурофот, кибру-ҳаво устун бўлади, жиноятчилик томир отади. Туманда турли хил жиноятларнинг, айниқса ўсмирлар ва ёшлар ўртасидаги қонунбузарликларнинг кутилган даражада камаймаётганлиги сабабларидан бири ҳам аслида шу эмасми? Далилларга мурожаат қилайлик. Ўтган йили туман бўйича балоғатга етмаган ёшлар ўртасида 6 та жиноятчилик қайд этилган бўлиб, уларнинг аксарияти ҳеч қаерда ишламайдиган ва ўқимайдиган болалар ҳисобига тўғри келган.

Шу каби салбий ҳолатларнинг юзага келишига маънавиятнинг оқсаши сабаб бўлаётган экан, хўш, маънавиятнинг ўзи нима?

Инсониятни дарахтга қиёс қилсак, маънавият унинг ўқ илдизидир. Ўқ илдизи бақувват дарахт эса ҳамиша соғлом бўлади, гуркираб ривожланади. Ёки маънавият деганда авваламбор одамни руҳан покланишга, қалбан улғайишга чорлайдиган, инсон ички дунёсини, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган кучни тасаввур қилиш мумкин. Бордию ана шундай куч суст-лашса-чи? Бундай ҳолатда кишилар, биринчи галда ёшлар онгида маънавий бўшлиқ пайдо бўлади ва бундай бўшлиқни ёт мафкура эгаллаши ҳавфи кучаяди. Бундай ҳавфни ҳар қайсимиз ва айниқса, шу соҳа бўйича масъул бўлган раҳбарлар аниқ тасаввур қилишимиз ҳамда унинг олдини олишимиз зарур. Бу эса бугунги кундаги энг муҳим вазифадир.

Афсуски, Сиз раҳбарлик қилаётган тумандаги айрим мутасаддилар бу вазифани, унинг масъулиятини ва аҳамиятини ҳали тўла тушуниб етмаяптилар. Акс ҳолда сизнинг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосарингиз жаноб Мадамин Исоқов юқоридаги сингари нуқсонларга биринчи галда иқтисодий аҳволнинг ночорлигини рўкач қилиб кўрсатмаган, шу билан биргаликда «Қанийди ишдан бўша деса, ўша заҳотиёқ ариза ёзиб берардим» демаган бўларди.

Юқорида зикр этилган аччиқ-аччиқ фикрлар ва хулосалар кимларгадир ёқмаслиги турган гап. Лекин наилож, ҳақиқатни айтишимиз керак. Уни биз айтмасак, сиз айтмасангиз, ким ҳам айтарди? Қолаверса, танқиддан кўзда тутилган мақсад кимларнингдир юзига қора бўёқ чаплаш, уларни ёмонотлиқ қилиш эмас, аксинча, камчиликларни тугатиш, ютуқларни кўпайтириш, ҳар бир фуқаро учун муносиб ҳаёт шароити яратишга кўмаклашишдан иборат. Алқисса, донишмандлардан бири айтганидай «Бўялмаган аччиқ ҳақиқатнинг юзига тик қарамоқ учун мард бўлмоқ керак, иллат билан қатъий кураш олиб бормоқ учун уни кўрқмай тан ола билиш зарур».

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
журналист.

Америкада ўзбекча китоб

Ўзбекистонлик мусиқа ихлосмандлари Илёс Маллаевни таниқли бастакор, қўшиқчи ва ижодкор сифатида яхши билишади. У бир неча йил муқаддам тақдир тақазоси билан қўпгина яҳудийлар қатори Америкага кўчиб кетган эди. Мана орадан шунча йиллар ўтган бўлса ҳам у ўзи туғилиб ўсган ва камол топтирган юрти— Ўзбекистонни унутгани йўқ. Мустақилликка эришган Ўзбекистоннинг жаҳонда ортиб бораётган обрў-эътиборидан қувонмоқда, кўнгли тоғдек кўтарилмоқда. Киндик қони тўкилган муқаддас тупроқни умрбод эсдан чиқармасликни ўз шеърларида, қўшиқларида қайта-қайта таъкидлайди.

Яқинда Нью-Йоркда Илёс Маллаевнинг «Қалб садоси» («Садои дил») номли шеърий тўплами нашрдан чиқди. Тўпламда асосан шоирнинг ўзбек тилида ёзган шеърлари ўрин олган.

Илёс Маллаев 90-чи йилларнинг бошида АҚШга муҳожир бўлиб кетганидан сўнг шундай шеърий сатрларни битган эди:

Азизим, бир бориб
ҳур Ўзбекистонни томоша қил,
Беҳишти жовидондек
боғу бўстонни томоша қил.
Ватан бошига истиқлол қуёши
шуълавар бўлган,
Ажойиб боғи Фирдаси
Чароғонни томоша қил.

Яқинда Нью-Йоркдаги Бинат Хаим иешивесида (ўғил болалар диний мактаби) Илёс Маллаевнинг «Қалб садоси» тўпламининг нашр этилиши муносабати билан тақдимот маросими бўлиб ўтди.Унда Америкада ва бошқа мамлакатларда истиқомат қилаётган Бухоро яҳудийлари, олимлар, адабиёт ва санъат арбоблари иштирок этишди. Маросимда ижодкорнинг тўпламдан ўрин олган кўпгина шеър, ғазал, рубоий ва муҳаммаслари ҳақида илиқ сўзлар айтилди.

Бу китоб таниқли ижодкорнинг Америкада нашр этилган иккинчи тўпламидир. «Ширу шакар» номли илк китоби бундан тўрт йил муқаддам нашр этилган эди.

«Қалб садоси» тўпламидан ўрин олган шеърларини мутолаа қилар экансиз, унда мустақил Ўзбекистон, унинг меҳнатсевар, қалби дарё халқи, Тошкент, Самарқанд, Бухоро сингари тарихий шаҳарлари ҳақида битилган ажойиб сатрларни ўқийсиз.

Шоир дейди:

Бошдан зар сочсалар,
дунёни молин берсалар,
Бошқа юрт кўзга кўринмас
моли дунёси билан.
Ўзбекистондек жаҳонда бошқа
бир юрт кўрмадим,
Тегмасин кўз соҳиби
қудратнинг имзоси билан.

Тақдимот маросими сўнггида ўзбекча мақом, куй ва қўшиқлар янгради.

Ойбек РАЗЗОҚОВ,
«Жаҳон» АА мухбири

Қазилмалар давом этаяпти

Кения давлати шимолида ибтидоий давр одамидан қолган меҳнат қуроллари топилди. Археологларнинг тахминича, улар 2,3 миллион йил аввал ишлатилган. Туркан кўли қирғоғидан чиққан бу топилмалар Кениядаги энг қадимий ёдгорлик, деб ҳисобланмоқда.

Ҳозир Эфиопия, Кения ва Танзанияда 30 га яқин археолог ва палеонтолог муттасил иш олиб бормоқда.

Дарёлар тошмоқда

Руминиянинг шимолий қисмида табиий офат юз берди. Кучли ёғингарчилик оқибатида дарёлар тошиб, қўплаб қишлоқларни сув босди. Қарийб 2000 та молбоқарлик фермалари, қишлоқ хўжалиги бинолари, турар жойлар сув остида қолди, 245 км узунликдаги йўл ва 172 та кўприк ишдан чиқди. Табиий офатдан кўрилган зарар ҳозирча 2 миллиард лей (қарийб 150 минг АҚШ доллари) деб баҳоланмоқда. Метеорологларнинг айтишича, бундай кучли ёғингарчилик яна такрорланиши мумкин.

Талабалар сони ошади

Шу йил кузида Хитой олий ўқув юртларига жами 1,53 миллион абитуриент қабул қилинади. Бу ўтган йилдагига нисбатан 42 фоиз кўп демакдир. Хитой таълим вазирлиги олий ўқув даргоҳларида қабул ишларини олиб бориш юзасидан муҳим дастурлар ишлаб чиқди. Уларда таълим соҳасига қўпроқ маблағ ажратиш, профессионал-техник институтларни ташкил этиш, моддий жиҳатдан ночор бўлган талабаларга ёрдам кўрсатиш сингари тадбирлар ўз ифодасини топган.

Қочоқларга ёрдам керак

Африка Бирдамлик Ташкилоти қошида қочоқлар масаласи бўйича тузилган махсус комиссия жаҳон ҳамжамиятини Африка қитъасидаги қочоқларга шошилинч ёрдам кўрсатишга чақирди. Бирдамлик ташкилоти мутасаддиларининг айтишига қараганда, Африка қочоқларининг аҳволи оғир тус олган. Улар озиқ-овқат, дори-дармон, кийим-кечак йўқлигидан азият чекмоқда.

БМТнинг қочоқлар иши бўйича ташкилоти маълумотларига кўра, шу йилнинг январида сайёрамизда қочоқлар сони 21,1 миллион кишига кўпайган. Уларнинг учдан бир қисми Африка қитъасида экан.

Музокаралар бошланди, бироқ...

Колумбияда ҳукумат кучлари билан муҳолифат ўртасида қуролли тўқнашувлар юз берди. Бунинг оқибатида 35 нафар аскар ва қўзғолончилардан 30 киши қурбон бўлди. Ҳукумат қўзғолончилар билан музокарага киришди, бироқ ҳали жанг олови сўнгани йўқ.

Жанговар ҳаракатлар қораланди

БМТ Хавфсизлик Кенгаши Эфиопия билан Эритрея ўртасида давом этаётган жанговар ҳаракатларни қоралади. Бу ҳақда кенгаш вакили Бабуккар-Бласе Жане (Гамбия) баёнот берди.

Унинг таъкидлашича, Хавфсизлик Кенгаши аъзолари низолашаётган томонлардан дарҳол қуролли тўқнашувларни тўхтатиш ва шу йил 10 февралда халқаро ҳамжамият томонидан қабул қилинган 1227-резолюция талабларини тўла бажаришни талаб қилган.


Асал ёзда ҳам айнимайди

Сариқ денгиз можароси

Сиёсий шарҳловчи нигоҳи

Сиёсатшуносликда «ҳудудий можаро» истилоҳи қўлланилаётганига унча кўп бўлгани йўқ. Аммо бу можаронинг илдизи анча чуқур, тарихи жуда қадимийдир. Кўпроқ ерга эгалик қилиш истагида бир неча давлат ёки маълум гуруҳларнинг бирор ерни ўзаро бўлишолмаслик можаролари узоқ ўтмишдан буён давом этиб келади. Тўғри, у замонлар дунёнинг геосиёсий тутуми бугунгидан бутунлай бошқача эди. Бундай можароларнинг жўғрофий ва сиёсий кўлами ўзгарган бўлса-да, моҳияти ўзгаргани йўқ. Эндиликда ҳудудий можаролар нафақат қуруқлик, балки денгиз, ҳаво ва оролу музликлар устида ҳам тез-тез содир бўлиб турибди. Ўтаётган асрда дунёда юзага келган катта-кичик урушлар ва бошқа турли зиддиятларнинг кўпчилиги шу ҳудудий можаро туфайли содир бўлди, десак янглишмаймиз.

Яқин Шарқ минтақасида давлатлар ўртасидаги келишмовчиликларга асосий сабаблардан бири ҳудудий тортишув бўлса, Ҳиндистон ва Покистон зиддиятининг ўзаги Жамму ва Кашмир штати устида. Хитой ва Тайвань мунозараларида эса ўртадаги орол эканлиги маълум. Россия ва Япония ҳамкорлигининг оғриқ нуқтаси Жанубий Курил ороллари эканлигини сиёсатчилар кўп бор айтиб ўтган. Шимолий Корея ва Жанубий Корея ўртасидаги «сариқ дев» эса Сариқ денгиз ҳудудида яшириниб ётибди. Яқинда бу «дев» яна қўзғалиб қолди.

Гап шундаки, Жанубий Корея Мудофаа вазирлиги шу ойнинг 8-кунидан бошлаб Шимолий Корея ҳарбий кемалари бу мамлакатнинг сув ҳавзаси чегарасини кетма-кет бузиб ўтганлигини маълум қилди. Хабарларда айтилишича, Шимолий Кореянинг тўртта кемаси Сариқ денгизнинг ғарбий чегарасидаги Жанубий Кореяга тегишли ҳудудга ёриб кирган. Шундан кейин иккала мамлакатнинг ҳарбий денгиз флоти ўртасида кескин тўқнашув вужудга келиб, отишмалар бўлиб ўтди. Натижада Шимолий Кореянинг битта кемаси чўктириб юборилган ва ҳар иккала томондан бир неча кема жиддий зарар кўрган. Шу муносабат билан Жанубий Корея Президенти Ким Де Жунг ўз мамлакати ҳудуди ҳимоя қилинишини айтди. Ўз навбатида Шимолий Корея раҳбарияти жанубий қўшнисини ҳудудий қўпорувчиликда айблади. Шуни айтиб ўтиш керакки, мазкур қуролли ихтилоф Шимолий Корея вакиллари билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қўмондонлик қўмондонлик кучлари айни чегара можароси юзасидан музокаралар бошлаган бир пайтда содир бўлди. Музокара эса самарасиз якун топди. Бу Корея ярим оролидаги, битта халқ яшайдиган икки мамлакатда шу ойда вужудга келган зиддият ҳақидаги хабар янгилик эмас. Чунки 1953 йилда Корея уруши тугагач, бу икки мамлакат ўртасида қайта белгиланган Сариқ денгиз чегарасида давом этиб келаётган бундай тўқнашувлар ҳақидаги хабарлар бот-бот эълон қилиниб келмоқда. Бунинг сабабларидан бири — Шимолий Корея Сариқ денгиз чегарасининг қайта белгиланишидан рози эмас. Шу боис Корея ярим оролидаги ҳудудий можаро давом этиб келаётир. Шуни айтиб ўтиш керакки, 1950-53 йилларда бўлиб ўтган Корея уруши корейс халқига ярим асрлик ҳудудий можароларнигина мерос қолдиргани йўқ. Уруш туфайли ўзаро ажралиб кетган минглаб корейс оилаларини олайлик. Улар ҳануз ўз яқинларидан жудо бўлиб, айрилиқда яшамоқдалар. Бу борада бир неча марта норасмий ва расмий музокаралар ўтган бўлса-да, икки мамлакат ўртасидаги келишмовчиликлар бундай тўсиқни бартараф этишга йўл қўймаяпти. Яқинда Шимолий ва Жанубий Корея ўртасидаги уруш туфайли ажралиб кетган оилаларни бирлаштириш бўйича Пекинда бўлиб ўтган музокараларни бу йўналишдаги дастлабки ижобий қадам дейиш мумкин. Аммо бундай ҳайрли музокараларга ҳам икки ўртадаги совуқ муносабат яна халақит бераяпти. Иккала Кореянинг бирлашишига тўсқинлик қилаётган асосий сабаблардан бири мафкура бўлса, яна бир сабаб бу мамлакатларда ижтимоий ҳаётнинг, аҳоли турмуш даражасининг бир-биридан кескин фарқ қилишидир, десак хато бўлмайди. Жанубий Корея Осиё минтақасидаги иқтисодиёти ривожланган етакчи давлатлардан бири бўлса, Шимолий Корея иқтисодий қолоқ мамлакатлар сирасига киради. Эҳтимол, шу боиски, бу икки мамлакатни бирлаштириш борасидаги ҳаракатлар 1980 йилдан бери самара бермаяпти. Айни кунларда юз берган ўртадаги кескинлик эса бирлашишдан ҳам кўра қўпроқ ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувлик ҳақида ўйлашни тақозо этади. Ана шундагина бир халқ яшайдиган икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик ва дўстликнинг келгуси истиқболига умид билан қараса бўлади.

Алишер ШОЙИМОВ

Қутлов!



Ўзбекистон Республикаси Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси томонидан «Йилнинг энг яхши журналисти» (1998 йил) танлови якунланди.

Ғолиблар сафида «Ўзбекистон овози» газетасининг Қашқадарё вилояти бўйича мухбири Юнус Узоқовнинг борлиги барчамизни қувонтириб юборди.

Биз қалами ўткир, тўғри сўз, ҳалол ҳамкасбимизни мукофот билан табриклаганимизда у киши камтарлик билан:

— Бу бутун газета жамоасига берилган мукофотдир, — деди.

Биз эса азиз ҳамкасбимизга, фидойилик сизни тарк этмасин, деймиз.

Таҳририят

Ҳаёт — илҳом манбаи

Моҳир радиожурналист Абдурайим Султонов қарийб 30 йилдирки, Риштон маҳаллий радиоэшиттиришлари муҳаррири бўлиб ишлаб келаётир. Ҳар гал овози янграганда тумандагилар «ўзимизнинг Абдурайим ака, Риштондан гапиряпти», деб эъзозлашади. Албатта, уларнинг бундай ургу беришига сабаб бор. Чунки, у бошқараётган жамоа эшиттиришларни сифатли, кишини ўзига жалб этадиган даражада олиб боришади. Шу боисдан илк бора эшиттиришни эшитган киши республика миқёсидаги эшиттиришлардан бири деб ўйлаши табиий ҳол.

— Радиожурналисткада вақтни бой беришга, сусткашликка йўл қўйиб бўлмайди, — дейди у. — Бу соҳада ишни эртанги кунга қолдириш мумкин эмас. Доимо воқеа-ҳодисалар марказида бўлиш керак. Бир жойда депсиниб туриш, пайсалга солишнинг иложи йўқ.

Ҳақиқатан ҳам журналист касби шарафли, лекин заҳмати ҳам йўқ эмас. Бурч қанчалик оғир бўлмасин касбни ҳурмат қилиш шарт. Бугунги кунда кўплаб шогирдлар етиштирган Абдурайим ака ҳам ана шундай ўз касбига содиқ қолганлардан. У радиожурналистлик касби орқасидан етти нафар фарзандни тарбиялади. Тарбиялаганда ҳам барчасининг шуурига одобахлоқни, илму маърифатни сингдирди.

Орамиздаги одамлар

Тўнғич ўғил Исожон Султон — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, бир неча китоблар муаллифи. Келини Мақсуда — телевидениеда катта муҳаррир, уч ўғил уч қизи ҳам олий маълумот олган. Данагидан мағзи ширин эмасми, 9 невара Абдурайим аканинг жонидили.

Бир гал ЎзАнинг Фарғона вилояти бўйича мухбири Расулжон Камолов устози ҳақида шундай деган эди.

— Устоз Абдурайим Султонов журналистлик касбини эгаллашимда катта хайрихохлик билан йўл кўрсатганлар. Мен у кишидан бир умр қарздорман. Инсондан фақат яхши ном, кенг феъллик қоларкан. Насиб этса мен ҳам устознинг бу хислатларини такрорлашни олдимга бурч қилиб қўйдим...

Назаримда, 60 ёшини шу кунларда қаршилаётган забардаст радиожурналист А.Султоновга ҳамон кучқувват, ғайрат-шижоат, қувноқлик, жўшқинлик бахш этаётган бебаҳо манба ҳам худди шу эмасми?

Илойим шундай бахт ҳар кимга ҳам насиб этсин!

Комилжон ҚИЁМОВ

«RASTR» — янги журнал

Республикамиз ношир ва матбаачилари ўз журналларига эга бўлдилар. Ўзбекистон давлат матбуот қўмитаси ва Ўзбекистон — Буюк Британия «РАСТР» қўшма корхонаси муассислигида «RASTR» журналининг нишона сони Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишлаб чоп этилди.

Янги журнал мустақил республикамизда матбаачилик ва ноширчиликни янада юқори поғонага чиқариш, энг сифатли китоблар, газета-журналлар, рангли альбомлар, қутловномалар, этикеткалар чоп этиш учун замонавий матбаа технологиясини амалда қўллашни тарғиб қилади, илғор тажрибаларни оммалаштиради.

Журналнинг дастлабки нишона сонидан ўрин олган Давлат матбуот қўмитаси раиси Р. Шоғуломовнинг «Ўзбекистон матбаатчилиги: бугуни ва эртаси», «Растр — XXI аср босмахонаси», «Дунё технологияси даражасида», «HEIDELBERG — дегани нима?», «Матбаатчилик учун кадрлар», «ATRI» фирмаси: компьютер матбаатчилиги» сингари мақолалар қўзланган мақсадга хизмат қилади.

«RASTR» журнали саҳифаларида энг замонавий матбаа машиналарини ишлаб чиқарадиган фирмалар, қоғоз ва бошқа матбаа хомашёларини тайёрлайдиган корхоналар ўз маҳсулотларини кенг реклама қилишлари учун етарли имкониятлар мавжуд.



Журналнинг Марказий Осиё давлатлари, Россия, Германия, Италия, Ҳиндистон, Туркия ва бошқа кўпгина хорижий давлатларга тарқатилиши кўзда тутилмоқда.

«Андижон Фларуп Ойл компани»

Адил-одимламоқда

Мустақиллик туфайли юртимиз жаҳонга юз тутди. Хорижий мамлакатлар билан ижтимоий-иқтисодий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик кундан-кунга ривожланиб бораяпти. Республикамиздаги барқарорлик, тинчлик ва осойишталик, хорижий инвестицияларни муҳофазаловчи ҳуқуқий кафолатлар туфайли чет эллик тадбиркор ва ишбилармонлар иштирокида юртимизда ўзаро фойдали шерикчилик асосида турли маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган қўшма корхоналар сони кун сайин ортиб бормоқда.

Уларнинг аксарияти бугунги кунда сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариб, республикамиз иқтисодиётини ривожлантиришга баҳоли-қудрат ҳисса қўшмоқда. Шундай корхоналардан бири Андижон шаҳридаги «Андижонёғмой» ҳиссадорлик жамияти қошида фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон — Америка — Бельгия «Андижон Фларуп Ойл компани» қўшма корхонасидир. Ушбу қўшма корхона ўтган йилнинг охирларида ташкил этилган бўлса-да, тез орада тилга тушди. Ишлаб чиқараётган маҳсулотлари билан кўзга кўринди.

Муассислар— «Андижонёғмой», «Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси, АҚШнинг «Апланд Энтерпрайзез», Бельгиянинг «Фларус НВ» компанияларидир. Қўшма корхонанинг тузилишида томонлар техник ёғни истеъмол ёғига айлантириш ҳамда жаҳон стандартига мос маҳсулот тайёрлаш билан бирга уни 1 литрли ПЭТ идишларга қадоқлашни асосий мақсад қилиб қўйди.

Бунинг учун Франциянинг «Стека» компаниясида тайёрланган умумий нархи 341 минг 640 АҚШ долларлик ўраш ва қадоқлаш линияси ҳам ўрнатилди.

Жорий йилнинг мартидан бошлаб қўшма корхона тўла қувват билан ишлай бошлади.

Бугунги кунда корхонада 40 нафардан ошиқ ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Хўш, корхона бозор шароитида ўзини тўлатўкис оқлай олаяптими? Рентабеллик даражаси қандай бўлаётир?

— Корхонамизнинг ўртача рентабеллик даражаси етарли миқдорни ташкил этаётир, — дейди қўшма корхона бош директори Одилжон Далишев. — Шу боисдан корхона ўзини оқлаяпти, дейиш учун барча асослар бор. Чунки маҳсулотларимиз ўз харидорини топмоқда. Бунда «Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси раҳбариятининг бизга кўрсатаётган беминнат ёрдамини ҳис этиб турибмиз.

Юксалиш йўлларида

Асосий харидорларимиз — халқимиз, корхона ва ташкилотлар ҳамда хусусий фирмалардир. Маҳсулотларимизнинг бир қисмини аста-секин ҳамдўстлик мамлакатларига экспорт қилиш режамиз бор.

— Ҳозирча қўшма корхонанинг молиявий аҳволи яхши. Дебитор-кредитор қарзлари йўқ. Ишчилар маошларини ўз вақтида олиб туришибди. Уларга барча зарур шароитлар яратиб берилаётир, — деди қўшма корхона муассиси «Андижонёғмой» ҳиссадорлик жамияти раҳбари Абдувоҳид Сотиболдиев. — Корхонадан умидимиз катта. Муҳими уни қанча ишласа ҳам ишидан осонликча қониқмайдиган серғайрат ходимимиз Одилжон Далишев бошқараётганлиги нур устига аъло нур бўлмоқда. Қўшма корхона фаолияти билан танишиш жараёнида кўрган бўлсаларингиз керак, қўшма корхонада барча иш жой-жойида кетаётир. Тартиб-интизомга сира гап йўқ. Корхона бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ҳам белгиланган миқдорни ташкил этаётир. Чунки ишлаб чиқаришнинг мунтазам давом эттирилиши учун кафолат бор. Масалан, соатига 1650 дона, бир суткада 40 минг донага яқин 1 литрли ПЭТ идишларга ёғ қуйиб савдога чиқараётган корхона иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланиб бормоқда.



Ҳақиқатан ҳам мазкур қўшма корхона Андижон вилоятидагина эмас, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган истеъмол ёғи миқдорини йилига 12,5 минг тоннага орттиради. Бундан буён чет элдан салатбоп ёғ сотиб олинмайди.

Маъмуржон ҚИЁМОВ,
Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

Суратларда: 1. Қўшма корхона биносининг олд кўриниши. 2. Корхона лаборанти Инобат Эшонхўжаева техник ёғдан олинган истеъмол салат ёғини яна бир бор назоратдан ўтказмоқда. 3. Савдога чиқаришга тайёр 1 литрли ПЭТ идишларга қадоқланган корхона маҳсулотлари. 4. «Андижон Фларуп Ойл компани» қўшма корхонаси бош директори Одилжон Далишев (чапдан биринчи) ишлаб чиқаришнинг компьютерда боришини текширмоқда.

Максим БАРБОШОВ олган суратлар

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси

IBM, COMPAQ, DELL, HEWLETT PACKARD

ишлаб чиққан ҳисоблаш техникаси воситаларини етказиб бериш бўйича

тендер

эълон қилади

Тендерда қатнашиш ҳақидаги таклифлар 1999 йил 15 июлгача қабул қилинади. Тендер бўйича ҳужжатларни ДСҚ Моддий-техник таъминлаш бошқармасидан олиш мумкин.

Манзил – Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 166 уй, 218-хона, ички телефон 251.

Тошкент шаҳар кўчмас мулк биржаси 1999 йил 15 ва 29 июль кунлари соат 11⁰⁰да кимошди савдоларини ўтказади

Кимошди савдоларига қуйидагилар қўйилади:

1. Тошкент шаҳар хўжалик суди қарорига асосан савдога қўйилган:

«Наврўз» КТЗФ корхонасига тегишли Олой бозори ичида жойлашган, умумий майдони 1644,0 кв.м. бўлган 2 қаватли савдо мажмуаси — 60 млн. сўм;

«Кровсинтез-Т» қўшма корхонасига тегишли «Нексия» автомашинаси, 1997 йил, **бошланғич нархи 505000 сўм.**

2. Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасига тегишли бўлган қуйидаги автотранспорт воситалари:

– ВАЗ 2121 автомашинаси 1990 йил б/н	– 183433 сўм;
– ГАЗ 2413 автомашинаси 1998 йил б/н	– 82884 сўм;
– РАФ 22031 автомашинаси 1991 йил б/н	– 239154 сўм;
– РАФ 22031 автомашинаси 1986 йил б/н	– 191323 сўм;
– РАФ 22031 автомашинаси 1986 йил б/н	– 175380 сўм;
– М-21401 автомашинаси 1988 йил б/н	– 77291 сўм;
– М-21401 автомашинаси 1988 йил б/н	– 77291 сўм;
– М-21401 автомашинаси 1986 йил б/н	– 70851 сўм;
– М-21401 автомашинаси 1987 йил б/н	– 77291 сўм;
– М-21401 автомашинаси 1988 йил б/н	– 64410 сўм;
– М-21412 автомашинаси 1990 йил б/н	– 71580 сўм;
– М-21412 автомашинаси 1990 йил б/н	– 85652 сўм;
– М-21412 автомашинаси 1990 йил б/н	– 62633 сўм;
– М-21412 автомашинаси 1991 йил б/н	– 96359 сўм.

3. Тошкент шаҳар Давлат солиқ бош бошқармаси таклим қилган, фуқаролардан мусодара қилинган қуйидаги автотранспорт воситалари:

– ВАЗ 2106 автомашинаси б/н	– 186513 сўм;
– ГАЗ-2410 автомашинаси б/н	– 60000 сўм;
– М-2141 автомашинаси б/н	– 78853 сўм;
– ВАЗ-21093 автомашинаси б/н	– 105000 сўм;
– ВАЗ-21011 автомашинаси б/н	– 40000 сўм;
– ВАЗ-2107 автомашинаси б/н	– 110505 сўм;
– ВАЗ-2103 автомашинаси б/н	– 42000 сўм.

4. Чилонзор тумани солиқ инспекцияси томонидан таклим этилган «Нафис» ҳиссадорлик жамиятига тегишли бўлган:

ИЖ-2715 автомашинаси 1987 йил б/н – 70600 сўм.

5. «Ўзқишлоқмаш» ОТАЖ га карашли автотранспорт воситаси:

КАВЗ-685 автомашинаси 1985 йил б/н – 150000 сўм.

Ушбу саналарда сотилмаган объектлар кейинги кимошди ёки биржа савдоларига қўйилади.

Бундан ташқари мунтазам равишда ўтказиладиган биржа савдоларида кўчмас мулк, офислар, автотранспорт воситалари, асбоб-анжомлар сотиб олишингиз ва сотишингиз мумкин.

Тел.: 144-44-72, 144-44-73.

Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани «Шарқ Гули» АЖ ёнида, А. Навоий саньат саройи бекати.

«Эски Жува бозори»

очиқ акционерлик жамиятининг Кузатув Кенгаши шуни маълум қиладики, жамият акционерларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 1999 йил 19 июль куни соат 10⁰⁰да Зарқайнар кўчасида жойлашган Аброр Ҳидоятов номли ўзбек давлат драма театрининг биносида бошланади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Зарқайнар кўчаси (мўлжал «Чорсу» буюм бозори).

Кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:

1. Жамият молиявий-хўжалик фаолиятининг 1999 йил 6 ойлик натижалари бўйича Бошқарув раисининг ҳисоботи.
2. Шайхонтоҳур туманида ташкил топган майда шаҳобчаларни «Эски Жува бозори» ОАЖ таркибига киритиш.
3. Жамият Уставига ўзгартириш киритиш.
4. Кузатув кенгашига аъзо сайлаш.
5. «Эски Жува бозори» ОАЖнинг 6 ойлик натижалари бўйича дивидендлар тўлаш.
6. Ҳар хил масалалар.

Йиғилишда қатнашувчи акционерларни ёки уларнинг вакилларини рўйхатга олиш 1999 йил 19 июль куни соат 9⁰⁰дан бошлаб юқорида қайд этилган манзилда амалга оширилади. Акционерлар реестри 4 июль кун билан ёпилади.

RUBICON U-TEL: Танлаган — ютади!

Акром Саидхўжаев, тадбиркор.

Менинг ишим телефон билан жуда боғлиқ. Одатда мен уяли алоқа хизматидан фойдаланаман ва кунига 1-1,5 соат суҳбатлашаман. RUBICON U-TEL компанияси менинг анча пулимни тежайди. Унинг ҳисоб варақасини олганимда жуда хурсанд бўлдим! Суҳбат вақтини 30 секундгача яхлитлаган экан. Бу дегани, киши 3⁰⁰ дақиқадан кўп вақт гапирса, унинг суҳбат вақти 3³⁰ дақиқа деб ҳисобланади, ва 3³⁰ дан ошсагина 4⁰⁰ дақиқадай пул тўланади. Албатта, биринчи қарашда, бу унча эътиборли нарса эмас. Аммо телефондан кўп фойдаланаётганлар учун бу анча қулайлик яратади. «Тома-тома — кўл бўлар»,- деганларидай, ҳар ойда бу компания менинг 15-20% маблағимни тежайди.

уяли алоқа U-TEL RUBICON

Ҳаммага ёқади, ҳамма учун қулай!

Келинглар: **Гагарин кўч., 40.**

Телефон қилинглар: **126-77-00**

ТАШКИЛОТ

«ВАЗ», «Москвич», «ГАЗ-24», «ГАЗ-53», «УАЗ», «ЗИЛ», «МАЗ», «КамАЗ» автомобиллари учун эҳтиёт қисмларни **сотади**

ҲАҚ ТЎЛАШ – ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти доирасида харидорнинг омборхонасигача бепул етказиб бериш мумкин

Манзил

Тошкент, Нукус кўчаси, 29 («Ўзбекистон» нашриёт хизмат кўрсатиш уйи) — Мўлжал Шимолий темир йўл вокзали.

Телефон: 54-49-11.
Факс: 54-56-97
Пейжер: (067) 90-79

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-76-04
Котибият — 133-21-43

Факс — 133-38-55, 133-47-80, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-12-56;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Алишер РЎЗИЕВ*, навбатчи *Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ФАЙЗУЛЛАЕВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004
Газета офсет усулида, А—2 форматда, 23.819 нусхада босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г —0440

Босишга топшириш вақти – 21.00. Топширилди – 00.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Ҳамиша биз билан бирга бўлинг!

Реклама ва эълонлар учун телефонлар:

«Ўзбекистон овози» — 133-47-80, 133-38-55
«Голос Узбекистана» — 136-26-70,
«Осиё бозори» — 133-06-83